O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

*Ватан ҳимояси - иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
● 2004 йил, 6 ноябрь, шанба № 133 (2021). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
● Суббота, 6 ноября, 2004 г. № 133 (2021). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

## Участникам торжественного собрания, посвященного 10-летию образования Русского культурного центра Республики Узбекистан

Уважаемые соотечественники!
Дорогие друзья!

Примите мои сердечные поздравления с десятилетием образования Центра и искренние чувства признательности за ваш труд и весомый вклад в обеспечение и укрепление мира и стабильности, согласия и взаимопонимания в общем нашем доме — благодатной земле Узбекистана.

Думаю, не будет никаким преувеличением, если скажу, что именно мир и спокойствие людей, дружба и согласие в многонациональном нашем государстве, уважение к человеку-труженику, создание для всех людей, независимо от их национальной принадлежности и веры, абсолютно равного положения в нашем обществе всегда были и будут, безусловно, оставаться важнейшим, решающим условием достижения целей, которые мы поставили перед собой, — демократическое обновление, благополучие и достойный уровень жизни народа, высокий авторитет нашей страны в международном сообществе.

Именно этим объясняется то огромное внимание, которое уделяется нашим государством вопросам сохранения и развития культуры, языка, традиций и обычаев представителей всех наций и народностей, проживающих в нашей стране.

Именно этим диктуются те правовые нормы и гарантии, которые предусматриваются в нашей Конституции вопросам обеспечения межнационального, межконфессионального и гражданского согласия в Узбекистане.

Все, что делается у нас сегодня для решения этих задач, является закономерным и достойным продолжением традиций, которые складывались в течение многих веков на земле Узбекистана, где бок о бок жили представители разных наций и народностей.

Все это и, прежде всего взаимодействие и взаимообогащение различных самобытных культур, является основой духовного единства нашего народа, формирования нравственных ценностей и особого менталитета нашего народа, отличающегося добротой и миролюбием, широтой и щедростью души.

В этой связи трудно переоценить сегодня, насколько важна и ответственна та многогранная созидательная работа, проводимая в нашей стране национальными культурными центрами в деле формирования и укрепления у людей атмосферы доверия, атмосферы уверенности в завтрашнем дне, воспитания нового поколения, которое должно быть умнее, образованнее, сильнее и обязательно счастливей нас.

С большим удовлетворением хочу сказать, что Русский культурный центр своей плодотворной работой вносит огромный вклад в решение всех этих непростых задач и пользуется у нас заслуженным уважением.

Особую значимость в вашей многогранной созидательной деятельности, дорогие друзья, приобретает все, что вы делаете для укрепления взаимопонимания и взаимного согласия между людьми разной национальности и вероисповедания, сохранения и укрепления в нашем обществе того огромного уважения, которым всегда пользовались в нашей стране уникальная древняя культура, литература и могучий язык русского народа, его высокие нравственные и духовные ценности.

Деятельность Русского культурного центра значима для нас еще и потому, что она служит важным мостом дружбы, всестороннего развития и укрепления связей с Россией, взаимовыгодное сотрудничество с которой у нас успешно развивается.

Желаю вам, дорогие мои, крепкого здоровья, счастья, мира и благополучия вашим семьям, успехов в вашей благородной деятельности.

**Ислам КАРИМОВ,**
**Президент**
**Республики Узбекистан.**

## Сотрудничество в сфере культуры будет укрепляться

Мир, стабильность и степень прочности межгражданского согласия считаются одними из основных критериев уровня развития, авторитета страны на международной арене. В этом смысле самым большим богатством, самыми высокими ценностями нашей страны считаются царившие в обществе мир, стабильность, межнациональная дружба и согласие.

Эта мысль еще раз была подтверждена на состоявшемся в Государственном академическом Большом театре имени Алишера Навои торжественном собрании, посвященном десятилетию образования Русского культурного центра Республики Узбекистан. В мероприятии приняли участие представители действующих в нашей стране посольств, международных организаций, национальных культурных центров и широкой общественности.

Поздравление Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова участникам торжественного собрания, посвященного десятилетию образования Русского культурного центра, зачитал Государственный советник Президента Ш. Курбанов.

Интенсивно развивается всестороннее сотрудничество между Узбекистаном и Россией, в том числе и в культурной сфере. Важной правовой основой этому служат документы, в частности, договор о стратегическом партнерстве, подписанные на встречах президентами двух стран Исламом Каримовым и Владимиром Путиным. Русский культурный центр вносит достойный вклад в реализацию этих договоренностей.

Выступившие на собрании отметили, что с первых лет независимости под руководством Президента Ислама Каримова сохранение и укрепление межнационального согласия стали важным приоритетным направлением политики государства. В Основном законе — Конституции — закреплено, что все граждане нашей республики имеют одинаковые права и свободы перед законом без различия пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, личного и общественного положения.

В настоящее время в Узбекистане в дружбе и согласии проживают представители более ста тридцати наций и народностей. Высшей ценностью наши соотечественники считают стабильность, мир и спокойную жизнь в стране.

В Узбекистане созданы все условия для развития национально-культурных центров, играющих важную роль в сохранении своеобразия, языка, обычаев и традиций каждого народа. В свою очередь, более ста таких центров вносят достойный вклад в укрепление взаимного доверия, содружества, дружбы, межнационального согласия. И в этом плане деятельность Русского культурного центра заслуживает особого внимания.

На мероприятии с участием музыкальных коллективов национальных культурных центров, известных артистов и молодых исполнителей была представлена концертная программа. Большой интерес у присутствующих вызвала выставка творческих работ художников и ремесленников, работающих при Русском культурном центре.

В мероприятии приняли участие Государственный советник Президента Республики Узбекистан З. Хусниддинов, Чрезвычайный и Полномочный Посол Российской Федерации в Узбекистане Ф. Мухаметшин.

**Назокат УСМАНОВА,**
**корр. УзА.**

### ПУЛЬС ПЛАНЕТЫ

Пекинские власти определились с временем и датой открытия летних Олимпийских игр 2008 года. Решено, что церемония открытия Игр в Пекине начнется в 8.08 вечера 8 августа. Такая дата была выбрана, в частности, чтобы Игры не проходили в одно и то же время с теннисным турниром «ЮЭс Опен» и чемпионатом США по бейсболу, которые намечены на конец августа. А ранее планировалось провести Олимпиаду именно в конце месяца, сообщил мэр Пекина Ванг Кишан. Кроме того, сказал мэр, число 8 является счастливым для китайцев.

***

В министерстве обороны Российской Федерации назначены и вступили в исполнение обязанностей начальники служб и начальник аппарата министерства. Начальником аппарата министерства обороны России назначен Андрей Чоботов, начальником службы расквартирования и обустройства министерства обороны назначен генерал-полковник Анатолий Гребенюк, начальником службы кадров и воспитательной работы — генерал армии Николай Панков. Возглавлять службу экономики и финансов министерства будет Любовь Куделина, сказал источник. Об этом сообщает агентство РИА «Новости».

***

Премьер-министр Ирака Айяд Алави призвал страны НАТО продолжать свой курс в этой стране. В начале этого года НАТО, в частности, одобрило учреждение военной академии под Багдадом.

***

Министр обороны Бразилии Жозе Виегаш подал в отставку в связи со спором с армейским руководством относительно оценки военного правления в стране в 1964—1985 годах. Виегаш не одобрил заявления командования армии, в котором защищается военный режим. Накануне президент Бразилии Луис Игнасио Лула да Силва принял отставку министра. Пост главы оборонного ведомства займет вице-президент Жозе Аленкар.

***

Американские военнослужащие сделали объявление с призывом к мирным жителям Эль-Фаллуджи покинуть город. Американцы заявляют, что позднее любой житель до 45 лет будет задерживаться при попытке попасть в Эль-Фаллуджу или выехать из него.

**(По страницам Интернета).**

● ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ — ШАРАФЛИ НОМ

## МАҚСАД САРИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН

Машҳур немис файласуфи Гегель шундай деган экан: «...Характерли инсон — бу, ўз олдида муайян мақсадга эга ва унга қатъият билан интилувчи, мулоҳазали инсондир». Ҳа, ҳаётда кўпчиликнинг ўз олдига қўйган мақсади бўлади. Бироқ, нишон кўрингани ҳали унинг бехато яксон этилишини англатмагани сингари, мақсаднинг аниқлиги ҳам, албатта унга етишиш йўлида қатъий ҳаракат бўлмаса, деярли ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Демак, мақсадга етишиш учун сабр-бардош, матонат, ирода каби фазилатларга эга бўлиш ёки бир сўз билан айтадиган бўлсак, юқорида таъкидланганидек, характерли бўлиш талаб этилади. Назаримда, лавҳамиз қаҳрамонини санаб ўтилган фазилатлар соҳиблари қаторига қўшсак бўлади. Унинг фаолияти айнан шундан далолат бермоқда.

Хоразм вилоятининг Шовот туманида таваллуд топган Отабек Матсапаев ёшлигидан ҳарбий бўлишни, эгнига ҳарбий либос кийишни орзу қилган. Эркин ака ўғлининг, кенжа фарзандининг айнан шу йўлни ихтиёр этганидан хурсанд эди. Ўшанда катта умидлар билан Тошкент олий умумкўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжатларини топширган йигитга, афсуски омад кулиб боқмади. Бироқ курсант бўлишга иштиёқманд Отабек руҳан чўкмади, умидсизликка берилмади. Келаси йил яна ўз бахтини синаб кўрди. Бўлмади. Балки унинг ўрнида бошқа биров бўлганида ўзгачароқ йўл тутган бўлиши ёки умуман танлаган касбидан воз кечиши мумкин эди. Лекин қарори қатъий ва иродали йигит муддатли ҳарбий хизматга отланди.

Нукус гарнизонида йигитлик бурчини ўтар экан, оддий аскар Матсапаев катта қизиқиш, қолаверса, мақсадига етишиш учун зўр иштиёқ билан ўз вазифасига ёндашди. Муддатли ҳарбий хизмат муддати ниҳоясига етгач, шартнома бўйича хизматчилар сафидан жой олди.

Биз сизларга босиб ўтган ҳаёт йўлини қисқача баён этиб берган посбон ҳозирда десантчилар қисмида хизмат қилмоқда. Взвод командири катта лейтенант Анвар Нурматовнинг ишонган шунқорларидан бири бўлмиш шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Отабек Матсапаев — взвод старшинаси.

— Доим севимли машғулот билан банд бўлишга, унда фаолият кўрсатишга нима етсин, — дейди десантчи. — Шундай экан, ўзимни бахтли инсонлардан деб биламан. Ахир, бола-

(Давоми 2-бетда).

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Майор Ойбек Саидов етакчилик қилаётган ҳарбий жамоа шунқорлари орасида оддий аскар Муродилло Маҳмаёровнинг ўзига хос ўрни бор. Ўқчи вазифасида хизмат қилаётган посбон сафдошларига зарур пайтда ёрдам қўлини чўзиши билан ҳам доимо қадрли. Яқинда ниҳоясига етган якуний синов машғулотларида «яхши» ва «аъло» натижаларга эришган Муродилло энди янги ўқув йилига тайёргарликларни бошлаб юборди.

— Ўтган ўқув мавсумида илғорлар сафида бўлишим учун офицерларим, — катта лейтенант Убайдулло Саидов, лейтенант Мансур Усмонов ва шартнома бўйича хизмат сержанти Бахтиёр Рўзиметовларнинг хизматлари беқиёс бўлди, — дейди ғуворлик оддий аскар Махмаёров. — Уларнинг ўргатган сабоқлари нафақат менинг бир йиллик хизматим мобайнида, балки кейинги ҳаётимда ҳам муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Ҳа, айтганча, кураш сирсиноатини пухта эгаллаган интилувчан йигит айни дамда ўз маҳоратини қуролдош дўстларига ҳам ўргатиб келмоқда. Ахир Муродилло бежизга «интилганга толе ёр» деган ақидани ўзи учун шиор қилиб олмаганда.

**Комилжон ҲАСАНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

**Бугун сержантлар тайёрлаш мактабида навбатдаги битирув тантанаси. Кичик сержант унвони ва тегишли мутахассислик ҳақидаги сертификат билан ҳарбийларимиз Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларига қанот қоқишади. Улар қаторида Неъмат Машарипов ҳам бор. Таъкидлаш жоизки, бу ўғлон битирув имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, аълочилар сафида келгуси хизматлари сари йўл олаяпти. Профессионаллик сари одимлаётган қадамингиз қутлуғ бўлсин, шунқорлар.**

Суратда: **битирувчи, бугун кичик сержант бўладиган посбон Неъмат Машарипов.**

**Подполковник**
**Ярослав КОРУКА**
**суратга олган.**

● ТЕХНИКЕ — ЗАБОТУ И ВНИМАНИЕ

## ТРУДЯТСЯ НА СОВЕСТЬ

В ходе прошедшей итоговой проверки в числе отличившихся не раз назывались механики-водители боевых машин десанта младшие сержанты Омон Сафаров, Гулом Таджибаев, Мухтор Урмонов и Гулом Абдураимов. Проверяющие отметили их высокое воинское мастерство в ходе взводных тактических учений. Благодаря им подразделение своевременно прибыло в заданный район и успешно выполнило поставленную учебно-боевую задачу.

Сегодня механики-водители этого подразделения завершают перевод вверенной техники на режим эксплуатации в осенне-зимних условиях. И вновь в числе отличившихся командиры называют младших сержантов О. Сафарова, Г. Таджибаева, М. Урмонова и Г. Абдураимова. Все они трудятся на совесть, понимая, что от качества выполненных ими работ на технике во многом зависит боеготовность подразделения и части.

**Старший лейтенант**
**Александр КАРИМОВ.**

## ҲАЁТИЙ САБОҚ

Оддий аскар Феруз Муродовнинг резервга бўшатилишига ҳам саноқли кунлар қолди. Бу эса янги-янги таассуротларга бой ҳарбийча ҳаётнинг бир йили ортда қолди, деган гап. Табиийки, Бухоронинг Қоракўл туманидан бўлмиш бу ўғлон шу муддат ичида ўзи учун ҳаётнинг ҳали очилмаган қирраларини кашф этди, ҳам маънан, ҳам жисмонан чиниқди, қолаверса, дунёқараши бойиди.

Мотоўқчилар қисмида йигитлик бурчини ўтаётган посбоннинг вазифаси — пулемётчи. Айтиш жоизки, оддий аскар Муродов жамоасининг илғорларидан. Ҳарбий хизматчилар учун муҳим босқич саналмиш якуний синов машғулотларида ҳам у аълочиларга хос хатти-ҳаракат қилиб, эришган галабаларини мустаҳкамлади. Бунинг натижасида эса, муддатли ҳарбий хизматни муносиб равишда намунали ҳарбий хизматчилар қаторида якунламоқда.

Маълумки, йигитлик бурчини сидқидилдан, виждонан ва сафдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлган ҳолда ўтаган посбонлар учун олий ўқув юртига киришда имтиёз, яъни қўшимча балларни берувчи Тавсиянома бор. Лавҳамиз қаҳрамони ҳам хизмати мобайнида ўзини кўрсата олди ва юқорида тилга олинган имтиёзга асосий даъвогарлардан бири.

— Армия аввало, нимага ўргатди, деб сўрашса, ҳеч иккиланмай — кўп нарсаларнинг қадрига етишга, дердим. Масалан, вақтнинг. Бу ерга келгач, шу нарсага амин бўлдимки, кунни аниқ бир режа асосида ўтказиш, тўғри тақсимлаш оқибатида кўп юмушларга улгурса бўлади, — дейди пулемётчи посбон.

**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● ЕШ АСКАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

## ЧАҚНАБ ТУРГАН ШИЖОАТНИ КЎРДИК УЛАРДА

### ТААССУРОТЛАРНИ МАРОҚ БИЛАН СЎЗЛАШДИ

Яқинда «Ватанпарвар» газетасининг ижодий гуруҳи офицер Шуҳрат Ибрагимов хизмат қилаётган қисмдаги ёш аскарлар йигинида бўлишди. Йигиндаги машғулотлар савияси, ёш аскарларга яратилган шарт-шароитлар билан танишишди. Посбонлар билан учрашув қай тарзда кечганини баён этишдан олдин умумий таассуротлардан сўз очсак. Ҳарбий қисм ҳудудига киргашимизда ёш аскарлар саф майдонида машғулот ўтишаётган экан. Бир сидра уларга кўз ташлаймиз. Бари бақувват, ўктам йигитлар. Адолат мезони бўлган танловдан сараланиб ўтишган-да. Шахдам-шахдам одимлашини қаранг. Қадамидан ўт чақнайди-я. Юрагида, қалбида ўт бўлгач, шундай бўлади-да. «Келишганига 10 кунча бўлган бўлса-да, машғулотларга тез киришиб, кўникма ҳосил қилишмоқда. Менимча, бу хизмат қилишга бўлган иштиёқнинг юксаклигидан», дейди йигин командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Фарҳод Эгамбердиев. Аскарлар ҳақидаги айрим маълумотларга кўз югуртириб, таҳлил қиламиз. Йигинда республикамизнинг деярли барча ҳудудидан ўғлонлар бор. Майор Даврон Матёқубов командирлик қилаётган взводда сафга қўшилган ёш аскарларнинг 15 фоизга яқини олий маълумот, 45 фоизга яқини ўрта-махсус маълумот соҳиби эканлиги ойдинлашди. Бу сафларга билимдон, дунёқараши кенг, интеллектуал салоҳияти юксак ўғлонларнинг сараланиб жўнатилаётганининг ёрқин намунаси.

Энди бевосита учрашувга қайтсак. «Ватанпарвар» газетаси бош муҳаррири полковник Иримҳаммад Абдукаримов учрашувни ўзаро савол-жавоб, суҳбат тарзида олиб боришга қарор қилди. Самараси ёмон бўлмади. Посбонларнинг фикрларини, армия ҳақидаги илк таассуротларини эшитдик. Ёш аскарлар «Ватанпарвар»чилар билан самимий мулоқотга

(Давоми 2-бетда).

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

## АҚШ: телеканалларнинг жонбозлиги

РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига қараганда, АҚШда ўтказилган президент сайловида 114,9 миллион киши сайлов участкаларига борib, ўзи танлаган номзоди учун овоз берган. Бундай кўрсаткич 1968 йилги сайловдан буён қайд этилмаганди.

Телекомпаниялар фаолиятини махсус тадқиқ этувчи «Нилсен мидиа рисерч» ташкилоти тарқатган хабарда айтилишича, АҚШ телеканаллари орқали сайлов ва унинг натижалари ҳақидаги кўрсатувларни қариб бутун мамлакат аҳолиси томоша қилиб борган.

«Нилсен мидиа рисерч» маълумотларига кўра, республикачи Жорж Буш ва демократ Жон Керри ўртасидаги баҳсни инглиз тилида 55 миллион мухлис томоша қилган. Шунингдек, испан тилидаги «Юнивисион», «Телемундо» ҳамда «Телефутура» каналларини ҳам қариб шунча томошабин кузатиб борган.

Инглизча телеканаллар орасида «Эн-би-си» етакчилик қилди. Уни 15,2 миллион томошабин қизиқиш билан кўрган. «Эй-би-си»даги сайлов билан боғлиқ кўрсатувларни 13,2 миллион, «Си-би-эс»никини — 9,5 миллион ва «Фокс»никини — 4,7 миллион томошабин кузатган.

Ўз кўрсатувларини кабель орқали узатадиган телекомпаниялар орасида эса «Фокс-ньюс» етакчилик қилган. Уни 8,1 миллион, «Си-эн-эн»ни 6,2 миллион ва «Эм-эс-эн-би-си»ни 2,8 миллион одам томоша қилган.

Сайловнинг дастлабки натижаси чоршанба куни аниқ бўлди. Амалдаги президент Жорж Буш АҚШни яна тўрт йил давомида бошқарадиган бўлди. Унинг рақиби, сенатор Жон Керри сайловда мағлубиятга учрагани расман тан олди. У Оқ уйга қўнғироқ қилиб, Ж. Бушни ғалаба билан қутлади.

Инаугурация маросими келаси йилнинг январь ойида бўлиб ўтади.

**Акмал НАЗАРОВ, (ЎзА).**

● ОБУНА—2005

## „Ватанпарвар“ газетаси муштарийларига

**Республикамизда 2005 йил учун даврий нашрларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий нашри «Ватанпарвар» газетасига обуна давом этмоқда.**

**«Ватанпарвар» газетаси республикамиздаги обрўли нашрлардан бири ҳисобланади. Газетамизга обуна бўлсангиз, унинг саҳифаларида доимий равишда берib борилаётган мамлакатимиз Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳотлар, қисм ва бўлинмалар ҳаёти ва жанговар фаолияти ҳақидаги мақолалар, жангчиларимизни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига доимо шайлик руҳида тарбиялаш борасидаги мунтазам лавҳалар, очерклар билан танишиб борасиз.**

**Шунингдек, «Ватанпарвар» саҳифаларида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, маданият, таълим, спорт ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларида эришган ютуқлари, халқаро ҳаётдаги муҳим янгиликлар кенг ёритилади.**

**«Ватанпарвар» газетасига «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг барча бўлинмаларида, шунингдек, бевосита газета нашриётида обуна бўлиш мумкин.**

**Обуна баҳоси ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри учун алоҳида белгиланган.**

**Тошкент шаҳрида «Ватанпарвар» газетасига обуна баҳоси:**

**абонент қутиларига эга бўлган ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва муассасалар учун:**
**1 ойга — 940 сўм;**
**6 ойга — 5640 сўм;**
**12 ойга — 11280 сўм.**
**Уй манзилига обуна бўлганда:**
**1 ойга — 1015 сўм;**
**6 ойга — 6090 сўм;**
**12 ойга — 12180 сўм.**
**Тошкент вилояти учун обуна баҳоси:**
**абонент қутиларига обуна бўлганда:**
**1 ойга — 1412 сўм 40 тийин;**
**6 ойга — 8474 сўм 40 тийин;**
**12 ойга — 16948 сўм 80 тийин.**
**Уй манзилига обуна бўлганда:**
**1 ойга — 1521 сўм;**
**6 ойга — 9126 сўм;**
**12 ойга — 18252 сўм.**

**«Ватанпарвар» газетасини бевосита нашриётнинг ўзидан олиб кетишни истовчи Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлар (муассасалар) ва шахслар обунани нашриётнинг ўзида расмийлаштиришлари мумкин.**

**Бу ҳолда обуна баҳоси:**
**1 ойга — 822 сўм;**
**6 ойга — 4932 сўм;**
**12 ойга — 9864 сўм.**

**Нашриёт манзили: Тошкент — 31, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй, Мўлжал: «Отель Гранд Мир» (собиқ «Россия» меҳмонхонаси).**

**Маълумотлар учун телефон: 56-03-46.**

# Сабоққа берилган муносиб баҳо

Мана, якуний синов машғулотлари ҳам ниҳоясига етди. Посбонлар мавсум мобайнида ўз маҳоратларини қанчалик тоблаганликлари машғулотлар нормативларини бажариб, имкониятларини намойиш этишларида яққол акс этиб турарди. Қайсидир посбон қишки ўқув мавсуми синов машғулотларини бажаришда йўл қўйган камчиликларини бартараф этиш ниятида ўтган мавсумда тинимсиз изланиб, машғулотларда фаол қатнашиб, пировардида юқори кўрсаткичга эришган бўлса, айримларда эса бунинг акси кузатилди. Биз мавсум якуний синов машғулотлари қизғин кечаётган бир палада Мудофаа вазирлигига қарашли турли қисм ва бўлинмаларда бўлиб, юртимиз ҳимояси йўлида фидокорона хизмат қилаётган асл ўғлонларининг якуний синов имтиҳонлари натижаларини кузатдик, ва сафдошларига ўрнак бўлаётган айрим илғор шунқорларни лавҳамизга қаҳрамон сифатида танладик.

Қарши гарнизонидаги подполковник Нарзулло Парсаев қардорлик қилаётган ҳарбий қисмдамиз. Шахсий таркиб саф кўриги, саф тайёргарлиги, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш, муҳандислик, тактик, жисмоний ва отиш тайёргарликлари каби машғулотлардан ўз иқтидорларини намойиш қилиб, ҳарбий жамоа умумий ҳисобда «яхши» натижага эришди. Албатта, умумий натижанинг «яхши»га баҳоланиши ўз-ўзидан бўлмайди. Бу шахсий таркибнинг мавсум мобайнида тинимсиз машаққатли хизматлари-ла қўлга киритилган баҳо. Бундай кўрсаткичга кичик командирлар Олим Тўрабоев ва Муҳаммаджон Бозоров етакчилик қилаётган бўлинмалар муносиб ҳисса қўшди, десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари О. Тўрабоев ҳамда М. Бозоровнинг қўл остидаги посбонлар якуний синов имтиҳонларида энг кўп «аъло» ва «яхши» натижаларга баҳоланишганди-да. Улар ҳақида қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Нодирбек Ўлмасов шундай дейди:

— Кичик сержантлар О. Тўрабоев ва М. Бозоровда бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган барча сифатлар мужассам, десам, янглишмайман. Кичик командирларнинг ўқув машғулотларини олиб бориш жараёнини синчковлик билан кузатиб, шу нарсага амин бўлдимки, улар қўл остидаги посбонлар билан қачон қандай муомала қилишин ва кимга қанақа топшириқ беришаётганлигини жуда яхши билишади. Бу иккала кичик сержантларнинг ютуқларида айнан мана шу хислат муҳим омил сифатида рол ўйнади, деб бемалол таъкидлаш мумкин.

Энди натижаларга разм солиб, баҳорги кўрсаткичлар билан таққослайдиган бўлсак, кичик сержант Олим Тўрабоевнинг бўлинмасида «аъло» баҳоларнинг бир қадар кўпайганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, жисмоний тайёргарлик машғулотини оладиган бўлсак, қишки ўқув мавсуми синов машғулотлари натижаларига кўра посбонларда бир оз қолоқлик кўзга ташланади. Мазкур мавсум кўрсаткичларига назар ташласак, барча шунқорлар машғулотни «яхши» ва «аъло»га уддалашган. Ҳаттоки, «аъло» натижалар анчайин салмоқлироқ. Бу борада илғор кичик командир кичик сержант Олим Тўрабоевнинг фикрларини билишга қизиқдик.

— Тўғри, бўлинмамизнинг бундай натижаси кўпчиликни ҳайратлантирди. Лекин, бунинг замирида ниҳоятда катта, самарали меҳнат ётади. Ўтган мавсумда бизнинг гуруҳимиз нафақат жисмоний тайёргарлик, балки оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш машғулотидан ҳам бир оз оқсашганди. Бундан бизнинг руҳиятимиз тушиб, асабийлашмадик. Чунки ўз камчиликларимизнинг яққол гувоҳи бўлгандик. Эзги ўқув мавсуми бошланиши билан эса камчиликларимиз мавжуд бўлган машғулотларга кўпроқ эътибор қаратдик. Масалан, бирорта аскар турникда тортилиш ёки оммавий қирғин қуролидан ҳимояланиш пайти ишлатиладиган махсус либосни хатоларсиз белгиланган вақтда кийиб — еча олмаганлиги учун асабийлашиб, «сен буни ҳеч қачон уддалай олмайсан» — деб унинг руҳини синдирмасдан, аксинча унга яхши гапириб, «балки бу машқни яна бир марта синаб кўрарсан», «сен албатта буни уддалайсан», деб руҳий далда берib, ўз устимизда кўпроқ ишладик. Ва ўз ўрнида бошқа тайёргарлик машғулотларини ҳам ташлаб қўйганимиз йўқ. Шу туфайли натижалар ҳам чакки эмас.

Кичик сержант О. Тўрабоев гуруҳидан фарқли ўлароқ, М. Бозоровнинг қўли остидаги посбонлар ўтган мавсумни «яхши» ва «аъло» натижалар билан якунлашганди. Бунинг учун эса жамоа шунқорлари қисм командири томонидан раҳматнома билан ҳам рағбатлантирилган эди. Бундан йигитлар «ҳаволаниб», ўзларига ортиқча баҳо бермасдан машғулотларни астойдил олиб боришди. Сўнгги натижа ҳам ёмон бўлмади.

— Машқларда тартиб-интизомнинг катта ўрни бор, — дейди камтарлик билан М. Бозоров. — Гуруҳимиз қанча яхши натижа қўлга киритган бўлса, буларнинг барчаси шунқорларнинг ўзаро бир-бирини тушуниб, қўллаб-қувватлаб, ҳамжиҳатлик билан олиб борилган машғулотлар интиҳосидир.

Ҳа, бу посбонлар Ватан олдидаги бурчларини теран англашади. Бундай залворли масъулият эса уларни фақат профессионаллик сари етаклайди.

**Комилжон ҲАСАНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# Юксак жанговар шайлик учун

«Ватанга садоқат, касбий маҳоратни такомиллаштириш, мустаҳкам ҳарбий интизом, техника ва қурол-яроғларнинг жанговар қўллашга доимо тайёргарлиги — қўшинлар юксак жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятининг гаровидир» шнори остида ўтган 2003-2004 йил ўқув мавсумининг якуний синов машғулотлари ҳам ниҳоясига етди. Мавсумнинг илғорлари ҳам аниқланди. Ҳарбий жамоаларда ютуқлар эътироф этилиб, йўл қўйилган камчиликларни яна такрорламаслик, янада яхшироқ натижалар кўрсатиш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги муҳокама қилинмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, қилинган ишлар сарҳисоб этилиб, янги муваффақиятларга элтувчи режалар ишлаб чиқиш бошлаб юборилди.

Офицер Ризақул Арипов командирлик қилаётган қисмда ҳам айнан юқоридагидек ҳолатга гувоҳ бўласиз. Бўлиб ўтган якуний синов машғулотларида қисм жамоаси ёмон натижалар кўрсатмади. Бу ерда яратилган шароит, яъни шахсий таркибнинг маънавий-руҳий ҳолатини янада оширишга хизмат қиладиган қулайликлар алоҳида таҳсинга арзийди.

Қисм радиотармоғининг бу борада олиб борадиган ишлари, айниқса, диққатга сазовор. Радиони «Ватанпарвар» газетасининг яхшигина тарғиботчиси ҳам дейиш мумкин. Газетада ёритилган энг муҳим дунё ва мамлакатимиз янгиликлари, ҳарбийларимизнинг маиший ва жанговар ҳаёти акс этган хабар ва лавҳалар, долзарб мавзуларга бағишланган қизиқарли мақолалар қисм радиогазетаси орқали шарҳланади ва шахсий таркибга тавсия қилинади.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларини юқори савияда ташкил этиш юқори жанговар шайликка асос бўла олади. Маънавияти юксак ҳарбийларгина мустаҳкам интизомли, техника ва қурол-яроғлардан моҳирона фойдалана оладиган маҳоратли, ҳарб илмини мукаммал эгаллаган посбонлар даражасига кўтарила оладилар. Тарбиявий ишлар бўйича взвод командирининг ўринбосари катта лейтенант Аҳмаджон Мамадалиев олиб борадиган ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари жонли, қизиқарли ва барчага тушунарли оддий тилда бўлиши билан ажралиб туради. Унинг машғулотларида шахсий таркибнинг фаоллиги янада ошгандек бўлади.

— Бугунги кунда машғулотларни шунчаки ўтиш мумкин эмас, — дейди катта лейтенант Аҳмаджон Мамадалиев. — Интеллектуал салоҳияти юқори бўлган тингловчиларингизнинг талаби ҳам ўз устингизда тинимсиз ишлашингиз лозим эканлигини ҳар дақиқада англатиб туради. Муддатли ҳарбий хизмат ўтаётган йигитларнинг деярли ҳаммаси махсус ёки олий маълумотлилардир. Бундай посбонлар билан машғулотлар олиб бориш қизиқарли бўлиши билан бирга ўзига хос масъулиятли ҳамдир. Оддий аскарлар Ўткир Жўраев, Баҳромжон Отамирзаев, Улуғбек Умаровлар машғулотларда фаолликлари билан ажралиб турадилар.

Посбон йигитлар якуний синов имтиҳонларида ҳам барча тайёргарликлардан аъло ва яхши натижаларни кўрсатадилар. «Ватанпарвар» саҳифаларида ёритилаётган мақолалар юзасидан саволлар берилганда, йигитлар газетамизнинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан кузатиб боришлари маълум бўлди.

— Менга тенгдошларим ҳақида ёзиладиган жанговар мақолалар маъқул, — дейди оддий аскар Ўткир Жўраев. — Курсантлар ҳаётидан ҳикоя қилинадиган лавҳалар ҳам қизиқарли.

— Мен эса чет эл армиялари ҳақида кўпроқ ёритилса, деган фикрдаман, — дейди яна бир оддий аскар Баҳромжон Отамирзаев. — Армияларнинг ҳамма жойда ҳам вазифалари умумийдек кўринса-да, фарқли томонлари кўп. Ана шулар ҳақида мақолаларни жон деб ўқир эдик.

— Тўртинчи саҳифада бериб бориладиган «Турмуш чорраҳаларида» рукни остида ёритилаётган, кишини ўйлашга мажбур қиладиган мақолаларни ҳам қизиқиб ўқиймиз, — дея суҳбатга қўшилади оддий аскар Улуғбек Умаров. — Газета саҳифаларида тенгдошларимизнинг ижод намуналарини ҳам кўпроқ кўришни истар эдик.

Ҳарбий қисмнинг «Кўриқчи» деб номланадиган деворий газетаси ҳам оддий аскарлар рассом Санжар Мусаев ва муҳаррир Бахтиёр Эргашевларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли анчагина ўқишли ҳисобланади. Қисм янгиликлари, аълочи посбонлар, аскар ижод намуналари «Кўриқчи»да ўз аксини топади.

Жамоада давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар яхши йўлга қўйилган. Мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа сифатида қабул қилинган икки палатали парламентга сайловлар юзасидан ҳам турли-туман учрашувлар, тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилган. Демократик ҳуқуқий давлат қуришда юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ана шуларни эътиборга олиб, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда сиёсий партиялар вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирлар ҳам шахсий таркибга улар ҳақида, уларнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида тўлиқроқ маълумот беради.

Бундан ташқари, ҳуқуқ-тартибот посбонларининг таш рифи ҳам шахсий таркиб учун катта аҳамиятга эга.

— Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқ, деган гап бор, — дейди биз билан суҳбатда қисм тарбиявий ишлар бўлими ҳуқуқий тартибот офицери капитан Фахриддин Ҳусенов. — Ҳуқуқий саводхонликни янада оширишга қаратилган олиб борилаётган ишларимиз ҳам айнан шу фикрга ҳамоҳанг. Чунки ҳуқуқий жиҳатдан билимдон посбонлар орасида интизом ҳамиша ҳавас қиларли даражада мустаҳкам бўлади. Шу сабабли қисмда эндигина хизматни бошлаган ёш аскарлар учун ҳуқуқ-тартибот ходимлари иштирокида мунтазам суҳбатлар уюштириб борилади. Мустаҳкам интизом юксак жанговар шайликнинг асосий мезонларидан биридир.

Қисмда олиб борилаётган эътиборли ишларнинг барчасини битта мақолада кўрсатиб ўтиш мушкул. Фақат бир нарсани аниқ айтиш мумкин: шахсий таркиб ютуқларини эътироф этган ҳолда, камчиликлардан ҳам тўғри хулоса чиқариб, юксак жанговар шайликни оширишга қаратилган масъулиятли хизматларида олға ва яна олға ҳаракат қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

## БАА: ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

Сешанба куни Бирлашган Араб Амирликларининг президенти шайх Зоид бин Султон Ан-Наҳаён узоқ давом этган хасталикдан сўнг, 86 ёшида ҳаётдан кўз юмган эди.

Абу-Дабй шаҳрида дафн маросими ўтказилди. Мамлакатда 40 кунлик мотам эълон қилинди. Давлат идоралари ва корхоналар бир неча кун ишламайди. Шунингдек, барча араб давлатларида уч кун мотам тутилади.

Шайх Зоид бин Султон Ан-Наҳаён 33 йилдан буён мамлакатни бошқариб келаётган эди.

Унинг даврида Арабистон яриморолн шарқидаги бу давлат гуллаб-яшнаб. Йирик нефть экспорт қилувчи мамлакатлардан бирига айланди. Турмуш даражаси ошди. Марҳум президент халқнинг меҳрини қозонган эди.

Амалдаги конституцияга кўра, БАА президенти шайхлардан иборат Олий кенгаш томонидан сайланади. РАТА — ТАСС хабарида айтилишича, куни кеча кенгаш йиғилиб, янги президент номи аниқ бўлган. Кенгаш таркибига кирувчи етти амирлик ҳокимларининг барчаси бир овоздан шайх Халифа бин Зоид Ан-Наҳаён номзодини қўллаб-қувватлаган. У шайх Зоид билан Ан-Наҳаённинг тўнғич ўғли бўлиб мамлакат тарихидаги иккинчи президентдир.

Шайх Халифа бин Зоид Ан-Наҳаён 1948 йилда Ал-Айн шаҳрида туғилган.

**Фарҳод УСМОНОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# За отличие в карауле

**В воинском коллективе под командованием лейтенанта Мухсинали Хомсандова одним из отличников боевой учебы по праву считают рядового Маърифжона Бокиева, который не раз удостаивался похвал командиров за образцовое несение караульной службы.**

Уроженец кишлака Каратут Яккабагского района Кашкадарьинского вилоята этой весной был призван в ряды Вооруженных Сил. Однако уже сумел отличиться, благодаря настойчивости и упорству в изучении Общевоинских уставов. И теперь бдительному воину доверяют охрану и оборону самых важных постов, зная — Маърифжон не подведет.

Даже находясь в составе отдыхающей смены, в караульном помещении, он раз за разом вновь просматривает уставные положения. Иной раз просит товарищей проэкзаменовать его по тем или иным статьям Устава гарнизонной и караульной служб — и всегда поражает их точным, правильным ответом.

Хорошее знание Общевоинских уставов, умелое применение в жизни их требований помогает парню в службе не только при исполнении им обязанностей часового. Ведь в главном для военнослужащего нормативном документе подробно расписаны его права и обязанности, действия в различных ситуациях армейской жизни.

Вот и после увольнения в резерв, возвратившись к мирному труду крепильщика на родном Алмалыкском горно-металлургическом комбинате, Маърифжон и там будет крепить дисциплину и порядок. То есть заниматься тем, чему его учили в армии.

**Майор А. НУРОВ.**

# МАҚСАД САРИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ликдаги орзуларим рўёбини кўраяпман. Ўз навбатида, касб сир-асрорларини ўзлаштиришимда, у ҳақда билим ва кўникмаларга эга бўлишимда, муносиб ҳисса қўшган устоз-офицерларимдан бениҳоя миннатдорман.

Сўнгра, кичик сержант капитанлар — Тоҳир Мамараҳимов, Бобир Эргашев ва Бобомурод Пармоновларни мамнуният ила тилга олди. Айтишича, улардан кўп нарсаларни, асосийси, командирларга хос талабчанлик ва бошқарувчанликни ўрганибди.

Дарвоқе, якуний синовлардан бу сафар ҳам муваффақиятли ўтган кичик сержант жамоа илғори деган номни сақлаб қолди ва сафдошларига ўрнак бўлди.

Маълумки, взвод старшинаси аскар ва сержантларнинг хизматни ўташ қоидаларига риоя қилиши, жамоада ҳарбий интизом ва ички тартибнинг сақланиши ва шу кабилар учун жавобгардир. Назаримда, взвод старшинаси касбга доир билимлардан ташқари, инсон психологиясидан хабардор бўлиши ва руҳиятини ҳис этган ҳолда қўл остидагиларни тушуна билиш қобилиятига эга бўлиши керак. Акс ҳолда, қандай қилиб у посбонларнинг яқин кишисига, дардкаши, маслаҳатгўйи ва зарур бўлса, дўстига айлана олади.

— Мен жамоадошларим билан имкон қадар самимий мулоқотда бўлишга интиламан. Ўзим ҳам аскар бўлганлигим учунми, уларнинг ҳаёлидан нималар кечишини озми-кўпми биламан. Ҳар бир аскар билан ишлаш учун аввало у ҳақдаги маълумотларга эга бўлган ҳолда феъл-атвори хусусида муайян тасаввур ҳосил қиламан. Масалан, кимгадир бир бора қилинган танқид ёки сафдошлари олдидаги таъбеҳ кифоя қилса, бошқаларга ушбу тадбирларнинг қўлланиши кутилган натижа бермайди. Шундай экан, ҳар қандай чора кўришдан олдин юқорида айтилганларга амал қилишга ҳаракат қиламан, дейди ҳорезмлик посбон.

Ҳар қандай жамоада бўлгани сингари суҳбатдошимиз хизмат қилаётган десантчилар взводида ҳам умумжамоа ғалабаларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган Ватан ҳимоячилари бор. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Акбар Шарипов, Улуғбек Шомирзаев, Одилбек Ҳофизовлар шулар жумласидан. Бу каби ҳарбий хизматчилар сингари взвод старшинаси ҳам доим тайёргарликнинг барча турлари бўйича илғор бўлишга интилади. Айтиш мумкинки, бу борада улар ўртасида рақобат, асосийси, соғлом рақобат мавжуд. Изчил ислоҳ этилаётган Қуролли Кучларимизга муносиб, қолаверса, профессионал жангчи бўлишда бундай рақобатнинг самараси беқиёс, албатта.

Кичик сержант Отабек Матсапаев ҳақидаги лавҳамизни инглизларнинг қуйидаги мақоли билан якунламоқчиман. Чунки ўз қатъияти билан мақсадига етган десантчи мисолида унинг нақадар тўғри айтилганига яна бир бора ишонч ҳосил қилиш мумкин: «Сенинг характеринг — сенинг тақдиринг».

**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Военно-политические новости

## НОВАЯ КОНЦЕПЦИЯ...

Проект новой концепции национальной безопасности планируется завершить к середине 2005 года. Об этом сообщил секретарь Совета безопасности Игорь Иванов. «К середине 2005 года мы планируем завершить работу над первым проектом документа и после соответствующего согласования представить его руководству страны», — сказал Иванов, выступая в МГУ на «круглом столе» по теме «Подготовка новой концепции национальной безопасности (основные приоритеты развития, угрозы национальной безопасности, национальные интересы России, механизмы их реализации)».

## К КОНЦУ МАРТА...

Премьер-министр Венгрии Ференц Гюршани заявил, что венгерские войска будут выведены из Ирака к концу марта 2005 года. Об этом сообщает агентство МТИ со ссылкой на пресс-секретаря правительства. В настоящее время в Ираке находятся 300 венгерских солдат.

## ПО АНАЛОГУ «911» ИЛИ «112»

К 2008 году в России планируется ввести в эксплуатацию единый телефон спасения, соответствующий американскому аналогу «911» или европейскому «112», позволяющий вызывать любую экстренную службу. В пресс-службе МЧС России сообщили, что в настоящее время практически на всей территории России действует единый телефон вызова пожарных и спасателей «01». По данным МЧС, за 10 месяцев текущего года на единый телефонный номер «01» поступило свыше двух миллионов звонков, причем их количество ежемесячно увеличивается в среднем на 10—15%.

## В СВЯЗИ С УГРОЗАМИ...

ООН предупредила своих сотрудников в Таиланде об осторожности в связи с угрозами сепаратистов совершать теракты. Ранее одна из исламских группировок пригрозила отомстить за смерть 85 мусульман, которые участвовали в акции протеста на юге Таиланда. В настоящее время в этой стране находятся около 1 тыс. сотрудников ООН.

**(По материалам Интернета).**

# ЧАҚНАБ ТУРГАН ШИЖОАТНИ КЎРДИК УЛАРДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

киришишди. Даставвал, кўрик-танловда ким қанча балл жамғаргани хусусида, танлов мезонлари борасида сўзлаб беришди. Навбат армия ҳаётига кўникмалар, илк таассуротларга келди.

— Таомлари хилма-хил. Етоқхонадаги шароитлар ҳатто уйдагидан афзал, телевизор, видеомагнитофон бор. Газета, журналлар, адабиётлар мутолаа қилишимиз мумкин. Хизматга келаётганимизда эгнимизга спорт либосларини кийгизиб қўйишгандаёқ давлатимизнинг Ватан ҳимолчисига эътибори, гамхўрлигини ҳис қилгандик. Мана, бундайин эътибор ҳарбий қисмда ҳам давом этмоқда. Биз буларга бурчга, Ватанга садоқат билан жавоб беришимиз лозим,—дейди самарқандлик оддий аскар Узоқ Қаршиев.

— Ҳарбий либосга ёқа тикаяпмиз. Кийимларни даз-моллаяпмиз. Буларнинг бари бизни мустақил ҳаётга ўргатаяпти. Бу ерда кун тартиби бор. Белгиланган вақтда уйғонамиз, белгиланган вақтда ухлашга ётамиз. Очиғи, тартиб, интизом одамни янада тобларкан, — дейди андижонлик оддий аскар Бекзод Усмонов илк таассуротларини ўртоқлаша туриб.

— Эрталаб мунтазам бадантарбия қилиш одамни тетиклаштираркан. Ўйлайманки, буни армиядан кейин ҳам одатга айлантираман, — дейди бухоролик ёш аскар Саъдулло Қурбонов.

Эҳ-ҳе, аскарлар бизга сўзлаш учун навбат ҳам бермай бирин-кетин илк кўникма, таассуротлардан гапиришди. Масалан, сурхондарёлик оддий аскар Ориф Жабборов турли вилоятлардан дўстлар орттиргани, турли маҳаллий одатлар билан танишгани, жиззахлик оддий аскар Анвар Мустафоев саф тайёргарлиги машқларини қай даражада эплаётганини мароқ билан сўзлаб берди.

Ниҳоят, ёш аскарларнинг илк кўникмалари ҳақидаги фикрларини тинглаб бўлгач, «Ватанпарвар» газетаси бош муҳаррири уларни умумлаштирган ҳолда шундай деди: — Сизларнинг тимсолингизда бугуннинг аскарини кўраяпмиз. Шижоат, қатъиятингиз чақнаб турибди. Кўрик-танловдан ўтиб, сараларнинг сараси бўлиб юрт ҳимоясига келдингиз. Шарт-шароитлардан, гамхўрликлардан миннатдор эканликларингизни билдирдингиз. Ҳатто муддатли ҳарбий хизматчиларга яратилаётган имтиёзлар ҳақида ҳам тўлиб-тошиб сўзлаб бердингиз. Сизларнинг маънан, жисмонан баркамол ўғлонлар эканлигингиз кўринib турибди. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор, гамхўрликларга муносиб бўлиб, бурчингизни шараф билан ўтайсиз, деб ўйлайман. Президентимиз — Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримов «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли китобида «Армия сафларидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусуснят ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим». дея таъкидлаб ўтган. Мана, бугуннинг аскарига қўйилаётган талаблар. Ўйлайманки, бу талабларни оғишмай бажариб, юртнинг асл посбонлари эканлигингизни исботлайсиз.

Шундан сўнг газетанинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими бошлиғи подполковник Абдураззоқ Обрўев, оммавий ишлар ва спорт бўлими бошлиғи майор Алижон Сафаров ёш аскарлар билан дилдан суҳбатни давом эттиришиб, ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Ижодий гуруҳ ёш аскарларга яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишди. Етоқхона шинам, тумбочкаларда шахсий гигиена воситалари бор. Иситиш тармоқлари ишлаб турибди. Телевизор, видеомагнитофон аскарлар ихтиёрида. Ижтимоий-сиёсий ўқув хонасида керакли адабиётлар бор. Етоқхонадаги ички хизмат қоидаларини ёш аскарлар пухта эгаллашган. Ёш аскарларни, уларга яратилган шарт-шароитларни суратга муҳрлаётган подполковник Ярослав Корукадан оддий аскарлар — Вячеслав Ракшин ва Алексей Хаванскийлар қуйидагича илтимос қилишди: «Ўртоқ подполковник, малол келмаса, суратларимизни интернет орқали электрон почтамизга юборсангиз». Бу интеллектуал салоҳият, юксак ақл-заковат бобидаги гапимизга жавоб эди.

## ОВОЗ БЕРИШГА ТАЙЁР

Маълумки, шу йилнинг 26 декабрь куни мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентга, яна ҳам аниқроғи унинг қуйи қонун чиқарувчи палатасига ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Шу кунларда ҳамма жойларда сайловга қизғин тайёргарлик кетяпти. Бу борада Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида ҳам тайёргарлик авжида.

— Биз, — дейди ёш аскарлар йигини взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Отаёр Омонов, — ижтимоий-сиёсий тайёргарлик хонасига сайловга оид адабиётларни тўплаганмиз. Шунингдек, кундалик газеталарда сайлов тўғрисида чоп этилаётган материалларни йиғиб боряпмиз. Аскарларимиз ана шу адабиётлардан, йиғилаётган материаллардан машғулотлар чоғида, бўш пайтларн фойдаланишади. Ўқиб-ўрганишади, сайлов билан боғлиқ, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишади.

— Шу чоққача, — дейди ёш аскар Жўрабек Қосимов, — парламентимиз бир палатадан иборат эди. Мана, энди, сайловдан кейин, парламентимиз икки палатадан иборат бўлади. Юқори палата — Сенат, қуйи палата — Қонунчилик палатаси. Сенатга 100 та депутат сайланади, Қонунчилик палатасига эса 120 та депутат сайланади. Биз ҳарбийлар сайлаш ҳуқуқига эгамиз. Ўзимиз маъқул деб топган номзодларга овоз беришга тайёрмиз.

— Илгарини чақириққа қараганда, — дейди шартнома бўйича хизмат сержанти Роман Оллояров, — кузги чақириққа мувофиқ аскарликка олинган йигитларнинг дунёқараши кенг, анча билимдон. Бир гапни дарров илғаб олишади.

Ёш аскарлар хизматга келган дастлабки кунлариданоқ, улар билан сайлов тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юборганмиз. Қувончли томони шундаки, улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини жуда яхши билишади.

Ёш аскарларимизни, умуман шахсий таркибимизни сайловда фаол иштирок этишларига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Биз учрашув давомида ёш аскарларга сайлов билан боғлиқ турли саволларни бердик, улар шошилмасдан, дона-дона жавоб беришди. Хулоса чиқардик, демак, бу борадаги ишлар ҳам кўнгилдагидек олиб борилмоқда.

## ЎҚИШГАН, ЎҚИШАЯПТИ, ЎҚИШАДИ

Учрашувдан олдин, учрашув чоғида ҳам бизни бир савол қийнаб турган эди: «Ёш аскарларимиз «Ватанпарвар» газетасини билишармикан? Хизматни бошлашганига эндигина ўн кун бўлган бўлса, қўлларига газетамиз тушганми, йўқми?»

Мулоқотдан шу нарса аён бўлдики, ёш аскарларимиз ҳали хизматга келмасдан аввал ҳам газетамизни ўқишган экан, Ҳатто ораларида «Ватанпарвар»га обуна бўлганлар ҳам бор экан. Бу биз — газета ижодий ходимларини беҳад тўлқинлантириб юборди.

— «Ватанпарвар» газетасини анча йиллардан буён ўқиб келаман, — дея гап бошлади ёш аскар Шоҳруҳ Жамолдинов, — чунки бизнинг оилада ҳарбийлар бор, акамлар офицер. Ҳар йили обуна бўлишади.

Мен жанговар фаолиятга оид мақолаларни жуда қизиқиш билан ўқийман. Мен майор Алижон Сафаров, мухбирлар Зулфия Юнусова, Инобат Иброҳимовалар ёзаётган материалларни мунтазам мутолаа қилиш билан бирга бир жойга тўплаганман ҳам.

Ўтган йили оддий аскар Иброҳим Солиев фуқаро пайти газетамизга обуна бўлган экан.

— Аскар бўлишга астойдил интилган эдим, — дейди у. — Шу боис, аввалдан ҳарбий ҳаёт билан яқиндан танишиш мақсадида ҳарбийларнинг газетаси «Ватанпарвар»га обуна бўлдим. Тан оламан, газетадан кўп нарсаларни билиб олдим. Эҳтимол, бугун аскар бўлишимда ҳам газета маълум маънода менга ёрдам берган бўлиши мумкин.

— «Ватанпарвар»ни аввал ҳам ўқиганман, ҳозир ҳам ўқияпман, бундан кейин ҳам ўқийман, — дея суҳбатга қўшилди ёш аскар Узоқ Қаршиев. — Бизнинг оила аъзоларимиз орасида ҳам ҳарбий бўлганлар бор. Улар газетага обуна бўлишган.

Учрашув чоғида гуруҳ командирлари капитан Дониёр Ортиқов, катта лейтенантлар Бекмурод Сафаров, Камол Қиличев, Ғайрат Ҳолмаматов, шартнома бўйича хизмат сержанти Абдураҳмон Маҳкамов, кичик сержантлар Умид Эшонов, Акмал Комиловлар газетамизга оид турли фикр-мулоҳазаларни билдиришди, таклифларни ўртага ташлашди. Энг қувончлиси, 2005 йилда ҳам «Ватанпарвар» билан бирга бўлишларини изҳор этишди.

**Ўз мухбирларимиз.**

# Илк ҳаяжонли дамлар

Айни кунларда ёш аскарлар учун энг ҳаяжонли дамлар. Бу ҳолат уларнинг ҳар бир ҳаракатида сезилиб туради. Нега десангиз, минг бир синовдан ўтиб, ҳарбий либосга лойиқ бўлишнинг ўзи катта гап. Ёш аскарлар ўқув йигинида эса улар илк синовларда тобланишади.

— Мен Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидан хизматга чақирилганман, — дейди йигин иштирокчиси оддий аскар Иномжон Маннопов, — Сафдошларим билан тезда тил топишиб олдим. Ҳозирда эрта тонгдан жисмоний тарбия машқларида чиниқаяпмиз, саф тайёргарлиги бўйича машғулотларда дўстларимдан ортда қолмасликка ҳаракат қилаяпман. Командирларимиз томонидан ҳарбий низомлар қоидаларини эгаллашимизга катта эътибор қаратилаяпти. Энг асосийси, яқин кунларда Ҳарбий қасамёд қабул қиламиз. Бу мен учун ҳаётимдаги энг ҳаяжонли ва унутилмас дақиқалар бўлишига ишонаман.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# НАСТАВНИКОВ НЕ ПОДВОДИТ

В эти дни в школах подготовки сержантов военных округов завершились выпускные экзамены. Будущие воины-профессионалы продемонстрировали строгим экзаменаторам все те знания и навыки, что обретены ими за месяцы учебы.

А вот младшему сержанту по контракту Бахтиеру Рузметову, закончившему ранее ШПС Восточного военного округа, удалось порадовать не только наставников, но и командиров на новом месте службы. Командир секции горно-стрелкового взвода на итоговой проверке за учебный год внес весомый вклад в общий успех всего подразделения. Отличные оценки по основным предметам боевой учебы, полученные младшим командиром, вдохновили и подчиненный ему личный состав.

Почин младшего сержанта по контракту Б. Рузметова был подхвачен сослуживцами, среди которых и военнослужащие срочной службы, и товарищи по учебе в ШПС. Последние, кстати, не раз благодарили своих наставников, сумевших в стенах школы привить им нужные для военного профессионала навыки. А хорошая база позволяет воинам наращивать свой уровень ратного мастерства, день ото дня повышать свою квалификацию по избранной специальности.

**Майор А. КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

# МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ— ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯНА БИР НАМОЙИШИ

**Ҳозирги замон сайловчиси истиқлолга қадар бўлган, ҳатто беш-ўн йил бурунги сайловчидан ҳам жиддий фарқ қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислоҳотлар натижасида унинг сиёсий фаоллиги изчил ортмоқда. Бугун у чинакамига танлаш ҳуқуқини амалга ошириш имкониятига эга.**

**Мамлакатимизда 1999 йилда ўтган сайловлардан эътиборан сайловчилар нафақат сиёсий партиялар кўрсатган, айни вақтда фуқаролар томонидан кўрсатилган мустақил номзодларга ҳам овоз бериши мумкинлигидан иборат янгиликнинг пайдо бўлиш сабаблари, мазмун ва моҳияти нимада?**

**Нодавлат-нотижорат ташкилот — Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Акмал САИДОВ билан суҳбатимиз айни шу саволдан бошланди.**

— «Сайлов» сўзининг замирида, аслида, муқобилликка ишора мужассам, — дейди А. Саидов. — Шу маънода юртимизда сайловчилар учун партия номзодларига муқобил номзодлар кўрсатиш ҳамда сайлаш имконияти яратилгани айни муддао бўлди. Бу истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда сайловларнинг эркин ва демократик усуллар билан ташкил этилаётганининг мевасидир.

Ҳақиқий демократиянинг амалдаги намоёни бўлмиш ушбу янгилик халқаро сайлов ҳуқуқи андозаларига ва умуминсоний демократик қадриятларга тўла мос келади. Бу усул Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан эркин ва демократик сайловларга қўйиладиган халқаро талабларга тўла жавоб беради. Демократиянинг миллий институти — маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими анъаналарига ҳамоҳангдир.

Мустақил номзодларнинг кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти айниқса катта. Бундай номзодларни кўрсатадиган ва сайлайдиган сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари тизими эса жаҳон сайлов тажрибасида ибратли, халқ оммаси вакилларини парламентга кўпроқ жалб этиш, давлатни бевосита бошқаришда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш жаҳасида Ўзбекистонда ўзига хос халқчил демократиянинг чуқурлашиб бораётганини кўрсатувчи кўзгудир.

**— Шу ўринда депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш тартиби ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Сайлов ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис ёки маҳаллий вакиллик органларига сайловчилар ташаббускор гуруҳи орқали депутатликка ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар, маҳаллий вакиллик органлари учун эса эллик нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳи тузилиши керак.

Сўнгра сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади.

Бунинг учун сайловчилар ташаббускор гуруҳи аризасига, биринчидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат, иккинчидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози илова қилинади. Шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ва баённомаси тақдим этилади. Унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими ёки машғулотининг тури, иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилган бўлиши керак.

Округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунлари талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Шундан сўнг гуруҳнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкаларини беради.

Модомики, округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олишни рад этса, бу ҳақда тегишли тартибда асослантирилган жавоб қайтариши лозим.

Дарвоқе, сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олиниганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли бўлади. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Имзо тўплашнинг ҳам қонунда кўзда тутилган қатъий қоидалари мавжуд. Хусусан, депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида еттиннинг фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида сайловолди тадбирларида шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилиши мумкин.




**— Сайлов жараёнининг тенг ҳуқуқли субъектлари ҳисобланувчи мустақил номзодларга хос жиҳатлар, сизнингча, нималарда кўринади?**

— Аввало, вакиллик органларига номзод кўрсатишнинг ушбу усули тамомила ўзига хос, ноёб демократик институт бўлиб, юқорида айтганимдек, мустақил номзодлар бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилади. Улар, одатда, кенг жамоатчиликка яхши таниш, халқ ичидан чиққан ва элга яқин ҳамюртларимиз бўлади.

Мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти сиёсий партияларга аъзо эмаслиги ўзингизга аён. Мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотлар тузиб, маърифат, маънавият, илм-фан, яратувчилик билан банд юртдошларимизнинг ҳам катта қисми партиясиздир. Демоқчиманки, ҳозирги шароитда юртимизда партиялар фаолиятига жалб этилмаган кишилар кўпчиликни ташкил этади. Шу билан бирга, улар сиёсий фаолиятдан — давлат бошқарувида иштирок этишдан четда қолишлари мумкин эмас.

Бир сўз билан айтганда, ҳокимиятга даъвогар партиялардан ташқари, жамиятнинг бошқа қатламлари ҳам давлат бошқарувида бевосита иштирок этиши адолатли ҳаракатдир. 1999 йилда ўтган сайловдан буён фуқаролар ўзларининг маҳаллалари, мавзелари ва туманларидаги таниқли, обрў-эътиборли ва ишончли кишиларни ўз ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун депутатликка номзод сифатида кўрсатиш имконига эга бўлдилар.

Мустақил номзодларнинг ижтимоий негизи — кенг халқ оммасидир. Номзодларни халқ тўғридан-тўғри саралайди, танлайди, сайлайди. Ўз галида, улар ҳам бевосита халққа таянади, халқ манфаатларини ҳимоя қилади.

Эътирофга сазовор томони шундаки, биз парламентга халқ вакилларини неча йиллар давомида эл орасида синалган, феъл-атвори чархланган, шажараси яхши таниш, эл-юрт қонига ярайдиган, эзгу ишларга қобил ва қодир, халол ва ҳамиятли, фидойи ва ташаббускор, Ватан, халқ, миллат манфаатларини юксак қадрлайдиган кишилар орасидан тўғридан-тўғри танлаб олиш имкониятига эгамиз.

Бошқача айтганда, мустақил номзодлар халқ ишончига таянадилар, элнинг оқ фотиҳасини олиб майдонга чиқадилар. Халқ ишончи эса, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, олий масъулиятдир.

**— Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Марказ ўтган галги сайловлар даврида тузилганди. Жаҳон сайлов амалиётида янгилик ҳисобланувчи ушбу Марказ йиғирмадан ортиқ таъсисчилар, жумладан, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакиллари, мустақил номзодлар, маҳалла оқсоқоллари ва бир қатор ноҳукумат ташкилотлар ташаббуси билан юзага келди.

Марказга унинг мақсадларини қўллаб-қувватловчи барча ташкилотлар, мустақил номзодлар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакиллари жамоа шаклида ва алоҳида тарзда аъзо бўлишлари мумкин. Марказнинг бўлимлари барча вилоятларда фаолият кўрсатмоқда.

Марказнинг асосий мақсади Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига сайловларда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган номзодлар ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда уларни доимий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, юртимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, эркин ва адолатли сайловларни ўтказиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, фуқаролар, жамият ҳамда давлат манфаатларини уйғунлаштиришга кўмаклашишдан иборат.

Марказ мустақил номзодларга сайловчилар ташаббускор гуруҳларини тузишда ва уларнинг сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинишида кўмаклашади. Сайловларда мустақил номзодларнинг умумий рўйхатини тузади, уларга сайловолди кампаниясини ўтказишда, хусусан, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплашда, учрашувлар ва ташвиқот ишларини олиб боришида ёрдам беради. Мустақил номзодларнинг кузатувчиларини тайинлашда кўмаклашади.

Бундан ташқари, мустақил номзодларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уларнинг сайлов ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш воситалари ва усуллари тўғрисида тавсиялар беради. Мустақил номзодларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилса, уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашади ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Шунингдек, фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларига сайловларда иштирок этаётган мустақил номзодлар тўғрисида мунтазам маълумотлар берib боради.

**ЎзА мухбири Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.**

● ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

# Ҳар бир ўзбекистонлик жангчининг юксак бурчи ва мажбурияти

**Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ 10-11 ноябрь кунлари Мудофаа вазирлигининг барча қисм ва бўлинмаларида «Ватанпарвар, маънан бой, жисмонан ривожланган ва руҳан чиниққан шахс бўлиш — ҳар бир ўзбекистонлик жангчининг бурчи» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ўтказилади.**

**Ушбу мавзуни ўрганиш ҳар бир ҳарбий хизматчи томонидан ўзининг мустақил Ватани, унинг ҳудудий яхлитлигини ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш, шунингдек, маънан бой, жисмонан чиниққан ва руҳан тайёрланган шахс бўлиш заруратини чуқур англаб олишлари учун катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга.**

**Мавзуни икки асосий саволдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ:**

**1. Ватанпарвар бўлиш — ҳар бир ўзбекистонлик жангчининг юксак бурчи ва мажбуриятидир.**

**2. Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиси — маънан бой, жисмонан ривожланган ва руҳан чиниққан, Ватанга, ўз халқи ва Президентга содиқ шахс.**

Қисқача **кириш сўзида** шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, бугунги кунда биз ўта масъулиятли даврда — демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш даврини бошдан кечираяпмиз. Бундай шароитларда қонунларни билиш, кундалик масалаларни давлат ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳал этиш маҳорати мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун муҳимдир. Бу тўлалигича Қуролли Кучлар учун ҳам тааллуқлидир. Армияни доимо мардлик ва ватанпарварлик мактаби деб аташган. Кўп минглаб ёшлар армияда хизмат қилиш мобайнида жисмонан чиниқадилар, шунингдек, ҳар томонлама билим ва кўникмаларга эга бўладилар, ўзларининг маънавий-ахлоқий салоҳиятларини оширадилар, ҳуқуқий маданиятни эгаллайдилар, шахс сифатида шакланадилар. Ҳарбий хизматни ўташ даврида мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас бўлган Ватан, ватанпарварлик, бурчга садоқат каби тушунчаларни қайтадан чуқур англаб оладилар. Ушбу тушунчаларни, ҳарбий хизматнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур ўзлаштириб олиш жангчида ўз Ватанининг ҳақиқий ватанпарвари, ўз юртининг ишончли ҳимоячиси бўлишга табиий интилиши келтириб чиқаради.

**Биринчи саволни** кўриб чиқишга ўтилар экан, биз, аввало, ўз Ватанининг ватанпарвари бўлиш учун жангчига нималар зарурлигини ва бунинг учун у нималар қилиши лозимлигини аниқлаб олишимиз керак.

**Биринчидан,** ўз мустақил Ватанини чин дилдан, фарзандлик муҳаббати билан севиш ва Ватан манфаатларини барча нарсалардан юқори қўйиш лозим. Аввал Ватан ҳақида, сўнгра ўз ҳақингда ўйла. Буни ҳар бир жангчи тушуниб олиши керак. Ватан ҳақида ўйлаш, унга ғамхўрлик қилиш, уни ишончли ва самарали ҳимоя қилиш зарур. Ва Ватанга барча нарсани, энг аввало, ўзининг виждонан, ҳалол меҳнатингни бағишлашинг лозим. Яна бир бор таъкидлаймиз — ҳалол меҳнатингни. Бунга кўп нарса, шу жумладан, биз қандай жамият қуришимиз ҳам боғлиқ.

**Иккинчидан,** ўз Ватанининг ватанпарвари бўлиш— ўзининг фидокорона меҳнати билан янги жамият — ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш ишида, ҳарбий ислоҳот вазифаларини ҳал қилишда фаол иштирок этиш демакдир. Бунда жангчининг ҳаётий позицияси катта аҳамият касб этади. Биз баландпарвоз сўзлар гапиришни ёқтирмаймиз, ва агар кимдандир сўралса, у ўзининг ҳаётий позициясини чиройли сўзлар, иборалар билан ифодалаб беролмас ҳам, аммо шунга аминмизки, ҳар бир фуқаро Ватан, бурч, қасамёд, мажбурият ундан нима талаб қилишини яхши билади. Бу эса ўз ҳаётий позициясини англаш, демак Ватан учун меҳнат қилишга интилишдир.

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиси учун — бу жангговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик масалаларини сифатли ҳал қилиш борасидаги қизғин кундалик меҳнат, бу — олинган мажбуриятларни бажариш, бу — машқлар, жанговар отиш, қоровуллик, жанговар навбатчиликдаги ва жанговар вазифаларни бажаришдаги виждонлилик ва мардлик.

**Учинчидан,** ўз Ватанининг ватанпарвари бўлиш — бу ўз мамлакатининг миллий мустақиллик ғояси ва миллий мавфкурани бутун юраги ва қалб қўри билан англаб олган муносиб фарзанди бўлиш демакдир. Айнан ана шу сифатлар жангчилар қалбида ўз халқига, аждодларнинг қаҳрамонона анъаналарига, оталар ва боболар ўгитларига содиқликни уйғотади. Улар жангчиларда нафақат Ватанга садоқатни, шунингдек, ўз ҳарбий бурчини онгли равишда бажаришни, Ҳарбий қасамёдга содиқликни шакллантиради.

**Тўртинчидан,** ўз Ватанининг ватанпарвари бўлиш — ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай мураккаб шароитларда ҳам инсонларга ёрдам беришга тайёр бўлган жангчи-гуманист (инсонпарвар) бўлиш демакдир. Бу ерда фаолият майдони жуда кенг: халқ хўжалиги масалаларини ҳал қилишда ҳам, алоҳида объектлар қурилишида ҳам, ҳосилни йиғиб-териб олишда ҳам, табиий офатларга қарши курашда ҳам, бошқа мамлакатлар ва халқларга ёрдам кўрсатишда ҳам, ва энг муҳими, шахсга нисбатан доимий ҳурматда ҳам бу намоён бўлади. Шунга эътибор бериш керакки, атрофдагиларга ҳурмат кишида ўзига ҳурматни юзага келтиради.

**Бешинчидан,** ўз Ватанининг ватанпарвари бўлиш — ўзида юксак шахсий масъулият, уюшқоқлик, бажарувчанлик, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан талабчанлик каби сифатларни мужассамлаштирган бурчга содиқ киши бўлиш демакдир. Ўз касбий вазифаларини бажаришга айниқса, эътибор билан муносабатда бўлиш керак, чунки ҳисоб-китобда йўл қўйилган хато, радар экрани қаршисидаги эътиборсизлик, фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ўз вақтида берилмаган ёки нотўғри юборилган ахборот жанговар тайёргарликка жиддий зарар етказиши мумкин.

**Олтинчидан,** ўз Ватанининг ватанпарвари бўлиш — ҳарбий хизматнинг биринчи кунларидан бошлаб ўзининг низомий мажбуриятларини, Ҳарбий қасамёд ва низомлар талабларини чуқур ўрганиб бориш ва уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳарбий интизом, жанговар биродарлик ва аскарий ўртоқлик ришталарини мунтазам мустаҳкамлаб бориш демакдир. Шуни чуқур англаш лозимки, аскарий ўртоқликда қаҳрамонлик ва мардлик, матонат ва жасурлик мужассамдир. Мустаҳкам ҳарбий интизом, ижрочилик ва бўйсунувчанлик, масъулият ва аскарий ўртоқлик — Ватан ҳимоячиси юксак ахлоқий қиёфасининг энг муҳим белгиларидир.

**Ўз ватанининг ватанпарвари бўлиш — ахлоқан соғлом ва маданиятли инсон бўлиш демакдир.** Ахлоқий маданият эса кенг маънода жангчининг ташқи кўринишини ҳам белгилаб беради. Батартиблик, саранжом-саришталик, озодалик, мардонаворлик — ҳарбий хизматчининг ички уюшқоқлиги, интизом ва маънавий қиёфасининг энг муҳим белгиларидир. Ташқи ахлоқсизлик, интизомсизлик жангчининг ички кучларига ҳам зарар етказади. Интизомда икир-чикирлар бўлмайди, деб бекорга айтишмайди. Унда ҳамма нарса — низомий мажбуриятларни билишдан тортиб ҳарбий кийим-бошни кийиш маҳоратигача муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир муҳим ҳолатни таъкидлаб ўтиш зарур. **Она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига содиқлик доимо бизга ёт бўлган мафкура ва ғояларга нисбатан кескин муросасизлик билан уйғунликда бўлиши лозим.** Бу, айниқса, ҳозирги шароитларда, яъни турли фундаменталист, экстремистик ва бошқа оқимлар биз учун муқаддас бўлган ислом дини принципларини ўзига ниқоб қилиб, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб, бизни тўғри йўлдан — ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан оғдиришга ва ўзларининг бемаъни, ўрта асрларга оид ғояларини сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳушёр, огоҳ бўлиш, душманнинг ғоявий ҳуружларига эътиборли бўлиш ва уларга муносиб жавоб қайтариш зарур.

Юқорида таъкидланганларни чуқур англаб олиш — ҳарбий хизматчининг ҳарбий хизматга, ўзининг ҳарбий, ватанпарварлик бурчини бажаришга онгли ва одилона муносабатда бўлиши ҳамда ўзини Ватанинг ҳақиқий ҳимоячиси деб ҳис қилиши манбаидир. Ватан ҳимоячиси бўлиш эса — бу нафақат юксак шараф, шунингдек, Ватан ҳимояси учун, халқимизнинг тинч ҳаёти учун юксак масъулият ҳамдир.

**Иккинчи саволни** кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаш лозимки, жангчини қаҳрамонликка ватанпарварлик, бурч ҳисси ва юксак идрок кучи олиб боради. Аммо уни қурол ва жанговар техникани профессионал даражада моҳирона эгаллашсиз, жангчининг маънавий-руҳий тайёргарлиги ва жисмонан чиниқишисиз амалга ошириб бўлмайди. Яъни, ҳарбий хизматчининг жанговар маҳоратини белгилаб берувчи сифатларсиз амалга ошмайди. Шунинг учун бугунги кунда биз учун ҳар бир ҳарбий хизматчи, у офицер бўладими, шартнома бўйича хизматчи, сержант ёки аскар бўладими, ҳарбий-касбий томондан ҳам, ақлий, маънавий-ахлоқий ва жисмоний томондан ҳам яхши тайёргарликка эга бўлиши айниқса муҳимдир. Бунда барча ушбу талаблар ўзаро боғлиқдир. Бири иккинчисини тўлдириб боради. Профессионал бўлиш, аммо руҳий жиҳатдан тайёргарликка эга бўлмаслик мумкин эмас. Яхши жисмоний чиниқишсиз қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиб бўлмаслиги сингари. Буларнинг барчаси эса (буни ҳар бир ҳарбий хизматчи тушуниб олиши зарур) ўз устида астойдил, аниқ мақсадга йўналтирилган, қунт ва матонат билан ишлашни талаб қилади.

Жанговар маҳоратнинг ягона йўли — бу виждонан жанговар ўқувдир. Машғулотлар, машқлар қанчалик мазмунли бўлса, уларда яратилган вазият ҳақиқий шароитларга қанчалик яқин бўлса, жангчининг характери шунчалик тез чиниқади, техникада ишлаш усуллари сайқаллашади, жанговар маҳорати ўсади.

Шуни таъкидлаш зарурки, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик жараёни жаҳон ва минтақадаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг хусусиятлари ва кескинлигини ҳисобга олган ҳолда қурилади. ШҲТ (Шанхай ҳамкорлик ташкилоти)га аъзо давлатлар раҳбарларининг июнь ойида бўлиб ўтган Тошкент саммитида **ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари терроризм ва экстремизмнинг янги, кескин хуружларидан алоҳида ташвишда эканликларини билдиришди. Жаҳонининг турли давлатлари ва минтақалари террорчилар объектига айланмоқда. Терроризм вазиятга мослашмоқда, замонавий техника воситаларини қўлламоқда, барча ҳал этилмаган можаролардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқда.**

Бундай шароитларда жангчининг маънавий-ахлоқий кучларини ҳар қандай, энг мураккаб синовларга тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларда замонавий жангда зарур бўлган юксак маънавий-жанговар, руҳий ва жисмоний сифатларни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И. А. Каримов 2004 йилнинг январида Ватан ҳимоячиларига йўллаган Байрам табригида: **«Миллий армиямизнинг келажаги ҳақида гапирганда, аввалambор юртимизнинг жўғрофий ва геосиёсий шароитини, минтақамиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хослитини, мамлакатимизга таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқ англаган ҳолда, тезкор ва нҳчам, замонавий қурол-аслаҳа ва техника воситалари билан таъминланган, юксак маҳорат ва жанговар руҳга эга бўлган Қуролли Кучларни ўзимизга тасаввур қиламиз»,** деб таъкидлаган эди.

Ушбу кўп қиррали вазифа мамлакат раҳбарияти томонидан ҳам, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари томонидан ҳам муваффақиятли ҳал этилмоқда. Изчил, ҳар томонлама ўйлаб, тубдан ҳал этилмоқда.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, Қуролли Кучларимиз жангчилари — ўз мустақил Ватанининг чин ватанпарварларидир. Улар жонажон юрт ҳимояси борасидаги ўзларининг катта ролларини яхши тушунадилар ва ҳозирги замон шароитларида қўйилган жанговар вазифаларни фақат Ватанга, халққа ва Президентга чексиз содиқ бўлган ҳарбий хизматчи, жанговар маҳоратни мукаммал эгаллаган, ҳар қандай энг мураккаб жанговар вазиятларда муваффақият билан ҳаракат қилишга қодир бўлган жангчи-профессионал бажара олиши мумкинлигини чуқур англайдилар.

Бугун биз шуни қатъий таъкидлашимиз мумкинки, мустақиллигимиз тақдири ва жонажон юртимиз хавфсизлиги шунчаки Қуролли Кучларга эмас, балки ҳарбий кийим-бош кийган ҳар бир инсонга — генерал, офицер, сержант, аскарга, командир ёки унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, инженер ёки техник, ракетачи, мотоўқчи, танкчи, локаторчи, учувчи, алоқачи, автомобилчи, понтончига ишониб топширилган. **Бугунги кунда ҳар бир жангчи учун фаолиятининг олий мазмуни — доимий жанговар шай, ҳушёр ва серғак бўлиш, мустақил Ватан ва унинг муқаддас сарҳадларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга тайёр бўлишдан иборатдир.**

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.**

## МАКТАБЛАРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Вилоятдаги тўққиз юзга яқин мактабда ярим миллиондан зиёд ўқувчи таълим олади. 2004—2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурига мувофиқ бу йил 56 мактабни капитал таъмирдан чиқариш режалаштирилган эди. Ҳозиргача 52 мактабда бу иш ниҳоясига етди. Бунинг учун икки миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Юқори Чирчиқ туманидаги 1-мактаб қисқа фурсатда тўла таъмирдан чиқарилиб, қайта жиҳозланди. Мактаб директори Саидаҳмад Дуйсеновнинг айтишича, бу ишларга салкам юз миллион сўм маблағ сарфланган.

— Таълим тизимини ривожлантиришга давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганидан жуда мамнунмиз, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Мавлуда Абдураимова. — Дастурга мувофиқ йил охиригача тўрт мактаб ва битта болалар боғчасини мукаммал таъмирлаш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунга келиб бу ишларнинг асосий қисми бажарилди. Келгуси йилда туманда иккита мактабни капитал реконструкция қилиш, учтасини капитал таъмирдан чиқариш режалаштирилган.

**Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.**

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САМАРА БЕРМОҚДА

Мамлакатимизда айни пайтда турли русумдаги бир миллионга яқин автомобиль бор. Улар учун ҳар йили салкам 12 миллион АҚШ доллари миқдоридаги автомобиль фильтри импорт қилинар эди. Эндиликда «Компрессор» очиқ акциядорлик жамияти мижозларга нисбатан арзон ва сифатли бундай эҳтиёт қисмни кўплаб миқдорда етказиб бера бошлади.

Корхона аҳли 2005 йилда маҳаллий хомашё асосида 85 минг донадан зиёд фильтр тайёрлашни мўлжаллаган. Бу эса айни турдаги маҳсулот импортини кескин камайтиради.

**Л. РАҲМАТОВ, ЎзА мухбири.**

**В офицерской столовой Ташкентского высшего общевойскового командного училища много внимания уделяется вопросу качественного приготовления блюд и разнообразию меню. В том, что здесь всегда отлично кормят, большая заслуга заведующей столовой Т. Туренко, повара Н. Воронковой и других сотрудников. А большой выбор самых разнообразных кондитерских изделий вот уже более восьми лет обеспечивает кондитер Р. Згуранская. Все они отличаются добросовестным отношением к работе, творчески относятся к своему делу и всегда радуют своих постоянных посетителей кулинарным мастерством.**

На снимке: **заведующей офицерской столовой при ТВОКУ Т. Туренко и кондитеру Р. Згуранской есть что предложить даже самым искушенным любителям свежей выпечки.**

Фото **Александра МРУЧАКА.**

# Все служат по уставу

**Старший лейтенант Анвар Мадрахимов служит заместителем командира взвода по воспитательной работе. Неослабное внимание он уделяет дальнейшему укреплению воинской дисциплины во вверенном ему коллективе, делает все для того, чтобы группы, секции были четким и слаженным организмом, имели высокую организованность, образцово выполняли стоящие перед ними задачи.**

И офицер добивается своего. Воины служат по уставу, добросовестно выполняют обязанности, понимая, что без крепкой воинской дисциплины немыслимы успехи в службе.

— В основе проводимой мною воспитательной работы, — говорит старший лейтенант А. Мадрахимов, — лежит метод убеждения, стараюсь воздействовать на разум, чувства и волю солдат таким образом, чтобы они глубоко осознали настоятельную необходимость строгого и неуклонного выполнения требований, предъявляемых к ним присягой, уставами, приказами и распоряжениями командиров, чтобы в любых условиях они поступали в соответствии с этими требованиями.

Широкие возможности в этом отношении представляют, в частности, занятия по общественно - политической подготовке. Руководители групп изучение той или иной темы постоянно увязывают с состоянием дел в подразделении. На конкретных примерах они показывают, какой вред наносят боеготовности всякого рода неорганизованность и безответственность.

Практикуются здесь также беседы, товарищеские дискуссии и диспуты на различные темы. Офицеры убедились, что такие мероприятия приносят наибольшую пользу тогда, когда их содержание тесно связано с жизнью подразделения, с задачами личного состава.

Практика воспитательной работы показывает, что, как ни велико значение массовых мероприятий, было бы ошибочно ограничиваться только ними.

— При проведении занятий, — говорит офицер, — собраний, групповых бесед трудно, конечно, учесть индивидуальные особенности воинов, не всегда удается разобраться в причинах, побудивших солдата совершить неверный шаг. Поэтому задачу воспитания дисциплинированности мы вместе с офицерами и сержантами решаем, как правило, при условии сочетания массовых мероприятий с индивидуальной работой с каждым военнослужащим, особенно с теми, кто недостаточно выдержан, кто совершает проступки. Стараемся быть в отношении к ним особенно внимательными, учитываем их индивидуальные особенности, помогаем развивать положительные качества и избавляться от отрицательных.

Важнейшим условием укрепления дисциплины является постоянное поддержание в подразделении твердого уставного порядка. Прежде всего здесь добиваются, чтобы каждый воин глубоко усвоил положения Общевоинских уставов. Поддержанием уставного порядка занимаются все офицеры и сержанты по контракту. Они строго следят за выполнением распорядка дня и расписанием учебных занятий, за чистотой в казарменном помещении, несением службы суточным нарядом. По определенному графику, утвержденному командиром, присутствуют на подъеме, утренней зарядке...

— Считаю, что требовательность должна быть постоянной, — говорит офицер, — а не от случая к случаю. Это, как показывает практика, дисциплинирует воинов, приучает их к строгому соблюдению уставного порядка. В нашем подразделении ни офицеры, ни младшие командиры не проходят мимо таких проступков, как неотдание воинского приветствия, опоздание в строй, нарушение формы одежды, неряшливость во внешнем виде. Каждый из них понимает, что такое попустительство может породить и более грубые нарушения дисциплины, чего, к счастью, у нас не бывает. Мне бы хотелось назвать лейтенантов А. Маликова, В. Вахидова. Они подают подчиненным личный пример безупречного поведения, точного выполнения законов, Военной присяги, требований Общевоинских уставов. Ближайшими их помощниками в поддержании твердого уставного порядка являются сержанты А. Махмудов, Ю. Надиров, У. Хорунов и другие. Их требовательность тесно переплетается с заботой о подчиненных, чутким отношением к ним. Все это положительно сказывается на укреплении дисциплины, повышении боевой готовности подразделения.

**Сергей БУДАЕВ, корр. «Ватанпарвара».**

● ШОИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 590-ЙИЛЛИГИГА

# ЖОМИЙ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ



Улуғ Навоийнинг устози, замондоши ва дўсти, форстожик шоири ва мутафаккири Нуриддин Абдураҳмон Жомий 1414 йилда Хуросоннинг Жом шаҳрида таваллуд топган. Кейинчалик Ҳиротда яшаб ижод этган улкан адабиёт вакилининг энг чақнаган даври XV аср ўрталарига тўғри келади. Бу даврни адабиётда Навоий — Жомий даври, деб ҳам аташ мумкин. Чунки бу вақтда адабиётнинг ижтимоий мазмундорлиги учун курашган ва уни янги бадиий чўққиларга кўтаргаолган шоирларга шу икки улуғ санъаткор раҳнамолик қилишган. Абдураҳмон Жомийдан улкан ва ранг-баранг адабий ҳамда илмий асарлар мерос қолган. Баъзи олимлар шоир асарларининг умумий сони юзга яқин, деб тахмин қиладилар. Алишер Навоий эса ўзининг «Хамсат ул-мутаҳаййирин» китобида шоирнинг 38 асарини номма-ном санаб кўрсатади. Жомийнинг асарлари фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиётшунослик, санъат соҳаларига ҳамда назм ва насрнинг ҳар хил жанрларига оиддир. Шоирнинг ижодий фаолияти кўп қирали бўлса ҳам, у Шарқ халқлари маданияти тарихида кўпроқ гениал шоир ва мутафаккир-олим сифатида танилган. Улуғ аллома етти достондан иборат «Етти тахт» ёки «Катта айиқ», «Олтин занжир», «Нуроний-лар туҳфаси», «Тақводорлар тасбеҳи» достонларида юксак хулқ-атвор мезонларини тарғиб қилган, кишиларни маърифатга, ватанпарварликка, тўғрилик, инсоф ва иймонга чақирган.

Адабиётшунос ва тилшунос олим сифатида Абдураҳмон Жомийнинг хизмати улкан. У ўзининг «Баҳористон» тазкирасида форс-тожик адабиётининг бир қанча намояндалари ва Навоий ҳақида қимматли маълумотлар беради. Шунингдек, шоир мусиқа соҳасида ҳам катта обрўга эга бўлиб, унинг «Рисолаи мусиқи» асари Шарқ мусиқа илми тарихида алоҳида ўрин тутади.

Гарчи Жомийнинг Навоийдан ёши анча улуғ, расман устоз ҳисобланса ҳам, моҳиятан улар чин дўст ва ҳамкор бўлганлар. Жомий ўзининг ўндан ортиқ асарини Навоийнинг маслаҳати билан ёзган. Шу билан бирга, икки буюк инсоннинг дўстлиги адабий ҳамкорлик билан чегараланмаган. Навоий Ҳусайн Бойқаро саройида бош вазир бўлиб турар экан, ўз сиёсий ва ижтимоий фаолиятида Жомийдан маслаҳатлар олиб турган. Айни кунда Самарқанд шаҳрида ёнма-ён қад кўтариб турган икки алломанинг ҳайкали ҳам бу улкан дўстлик асрлар оша авлодларга ўрнак бўлгулик даражада етиб келганидан далолатдир.

Абдураҳмон Жомийнинг жуда кўп шеърий ва насрий асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Булар орасида унинг «Баҳористон» китоби алоҳида ўрин тутади. Бу асарни Алишер Навоий «Ҳаёт баҳористони ва нажот нигористони», деб таърифлаган. Китоб саккиз бобдан иборат бўлиб, унинг охирги саккизинчи боби таълим-тарбия мазмунидаги ибратли ва насиҳатомуз масаллардан иборат. Сизга XV асрнинг файласуф олими ва буюк сўз санъаткори, тожик адабиётининг классик шоири Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг ушбу масал-ҳикоятларидан ҳавола этар эканмиз, 7 ноябрь куни 590 йиллиги нишонланаётган улуғ шоир хотирасига ўз эҳтиромимизни билдириб қоламиз.

### МУСИЧА ВА ТОВУҚ

Мусичадан сўрадилар:
— Нечун фақат иккитадан бола очасен, товуқлар каби қўплаб очишга қувватинг келмайдими?
— Мусича болалари отаонасининг жиғилдонидан овқат ейди, — жавоб берди у, — товуқ болалари эса қўринган ахлатни титиб, қорин тўйғазади. Бир жиғилдондан икки боладан ортиқни тўйғазиб бўлмайди, бир ахлатхонадан минг жўжа тамадду қила олади.

Истар эсанг агар ҳалол нон,
Иғаверма тор уйда кўп жон.

### ҚУРБАҚА ВА БАЛИҚ

Қурбақа ўз жуфтидан айрилиб қолди, ёлғизликдан сиқилиб, дарё қирғоғига йўл олди. Ҳар томон назар солди...

Сув ўртасида кўрди бир балиқ
Тоза сувдек оқар, усти ясғлик.
Ё бир қайчидек тоза кўмиши,
Сув атласини кесмоқлик иши.
Ё уч кунлик ой равшан ҳилоли,
Ҳар томон сузар яшнаб жамоли.

Бақа уни кўриши биланоқ кўнгли кетди ва ўзининг тоқлигидан ғаниириб, уни ҳамдамликка чорлади.

— Ҳамсуҳбат бўлмоқ учун орада умумий муносабат бўлиши керак, — деди балиқ. — Номуносиб ҳамдамлар суҳбатга нолойиқ. Менга сенинг не муносабатинг бор ва сен билан бизни орамизда қандай суҳбат даркор. Мен дарё қаърида яшаймен, сен эса соҳилда, менинг даҳаним доим жим, сенинг эса жаҳинг тинмайди, сенинг ташқи кўринишинг балоларга қалқон, шакл-шамойилингни ким кўрса, сендан йироқ қочади, менинг ҳусним эса хавфи хатар асоси, кимки менинг жамолимни кўрса, тама кўзини очади, осмондаги қушлар ҳовоси ҳам ман, ердаги жонворлар бошида савдоси ҳам ман. Балиқ овловчилар гоҳ мени қидириб минг кўзли тўр ташлайдилар, гоҳ орзуйим юқидан ҳам бўлган қоматларидек қармоқларни ташлаб кўзим ёшлайдилар.

Балиқ сўзини тугатиб, бақани соҳилда ёлғиз қолдириб, ўзи сув қаърига шўнғиб кетди.

Бўлма ҳамсуҳбат сенга бир бўлмас эрса гавҳари,
Гавҳари бир бўлмаса суҳбат ёпишмас сар-сари.
Жинс тортар жинсига,
нокас қўшилганда кўринг,
Мисли ёғу сув бўлур,
бўлмайди сутга шаккари.

### ҚАНОТ

Итдан сўрадилар:
— Нима учун сен бор уйга гадо қадами етмайди, сен ётган остонани тиламчи ҳатлаб ўтмайди?
— Мен ҳирс ва тамадан узоқман, — деди ит. — Тамасизлик ва қаноатда машҳурман. Дастурхондан бир бурда нонга қаноат қиламан, қозондан бир ғажилган устухонга хурсанд бўламан. Аммо тиланчи ҳирс ва тамада шуҳрат қозонган. У ҳамма вақт очман, деб қўл чўзади. Халтасида бир ҳафталик нон-у, ўзи очман деб нолон. Орқасида бир ҳафталик овқат, қўлида гадо ҳассаси. Қаноат ҳамма вақт ҳирсу тамадан узоқ, қаноатли ҳам тамагир билан бўлолмас ўртоқ.

Кимнинг қалб дилига кирди қаноат,
Ҳирс билан тамадан қутулди бори.
Қаноат гилами тўшалган ерда
Синди очкўзлигу тама бозори.

### ТУЛКИНИНГ ЖАВОБИ

Бир тулки боласи онасига қараб:
— Менга ит билан юзма-юз келиб қолганда қутулиб кетиш ҳийласини ўргат, — деган экан, унга онаси:
— Бунинг ҳийласи жуда кўп, аммо энг яхшиси шуки, уйдан чиқмай ўтир, на у сени кўрсин ва на сен уни, — деб жавоб берибди.

Нокас сенга душман бўлиб қолса гар,
Минг хил ҳийла-найранг айлама пардоз.
Минг хил ҳийла-найранг заҳмидан кўра,
Сулҳи-ю, жангидан сақланганинг соз.

### ҲИММАТ БЕЛИН БОҒЛА...

Бир чумоли бор кучини йиғиб, ўзига ўн баробар келадиган чигирткани тортиб кетарди. Уни кўрганлар таажжуб билан:
— Бу чумолини қарангилар, шу қилтириқлиги билан шундай оғирликдаги юкни тортиб кетмоқда, — дейишди.

Буни эшитган чумоли хохолаб кулиб:
— Мардлар юкни танадаги қудрат ва жуссасининг салмоғи билан эмас, ғайрат ва шижоат билан тортади, — деди.

Еру осмон кўтармас оғир бир юкни
Торта олурми бу нозик жисму жон!
Ҳиммат белин боғла ишқ аҳли билан,
Ҳиммат қудрати-ла тортасан осон.

### ИШНИ ҚУРОЛ ҚИЛАДИ...

Бир ҳўкиз пода бошида юрар, шохи кучи билан сигирларга сарвар, ногоҳ подага бўри ҳужум қилиб қолса, уни шохига илиб улоқтирар эди. Бир ҳодиса бўлиб, унинг шохи синиб қолди, энди бўри кўринса ўзини сигирлар панасига олди.

Сабабини сўраганларга деди:

Шохим синди, гўё қолдим бе шамшир,
Ботирлик ўрнига, дилда хавотир.
Маълум-ку, эл ичра шундай масал бор:
Ишни қурол қилур, даъвони ботир.

**Зулфия ЮНУСОВА тайёрлади.**

## Мунажжимлар башорати

**ҚЎЙ.** Келаётган ҳафта маънавий ўзгариш, эришилган ютуқларни яхши тушуниб олиш ва камчиликларни аниқлаб олиш учун барча зарурий шарт-шароитларни яратади. Атрофдагилар маслаҳатига эътибор қаратинг, улар сизга бунда ёрдам беришлари мумкин. Сизда тўғри йўналиш танлаш имконияти пайдо бўлади.

**БУЗОҚ.** Ҳафта сизга кўплаб янги таклифлар келтириши мумкин. Уларнинг салмоғи остида бирор иш қила олмаслигингиз, агар ўз имкониятларингизни тўғри баҳолай олмасангиз, хатога йўл қўйишингиз ҳам мумкин. Ўз манфаатларингизни ҳисобга олиш ҳамда бошқаларни ҳам хафа қилмаслик учун бироз куч сарфлашга тўғри келади.

**ЭГИЗАКЛАР.** Ҳафта ҳатто энг дангасаларни ҳам ҳаракат қилишга мажбур этади. Вазият шундай ҳолга келадики, жиддий қадамлар қўйишдан воз кечолмайсиз. Шунга ўзингизни тайёрлаб бориш мақсадга мувофиқ. Сизда йирик ижобий ўзгаришлар учун пойдевор қўйиш имконияти юзага келади.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Муддати ўтиб бўлган шартномаларни бекор қилиш, сизга юз бўлиб ётган мажбуриятлардан халос бўлиш учун қулай давр келмоқда. Олга интилиш учун сизга қатъийлик, янгиликлардан хабардорлик, профессионализм каби сифатлар зарур бўлади. Сешанба ҳар қандай муҳим ишларни ҳал этиб олиш учун қулай кун.

**АРСЛОН.** Касбий соҳа сиздан диққат-эътибор ва бевосита иштирокни талаб қилади. Вазиятни назорат қилиш учун сизга ақл билан иш тутиш ва кўзланган ишни ўз вақтида бажариш маҳорати керак бўлади. Манманликка берилмасликка ва атрофдагилар билан баҳслашмасликка интилинг. Сешанба — максимал фаоллик учун қулай кун.

**ПАРИЗОД.** Келаётган ҳафта фикрлар ва ҳаракатларда эҳтиёткорликни талаб қилади. Сирларингизни бари ошкор бўлишини истамасангиз, тилингизга эҳтиёт бўлинг. Эски дўстлар ва ҳамфикрлар билан ўзаро муносабатлар ҳафтанинг кескин муаммосига айланмаслиги учун фаол ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗУ.** Бу ҳафтада сиз иқтисодий масалалар билан шуғулланишингиз, ўз ишингиз ёки турмушингизга ўзгаришлар киритишингиз мумкин. Фойдали келишувлар ва муваффақиятли хизмат сафарлари бўлиши кутилмоқда. Эътиборга тушиш ва сизни қўллаб-қувватлашлари учун фаол ҳаракатлар қилинг.

**ЧАЁН.** Ижобий ўзгаришлар учун қулай давр келди. Ўзингизга ишончсизлик ва шубҳа-гумонларни четга суриб ташлаб, ҳаётий муҳим йўналишларда ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қилишни бошланг. Сиз илгари йўл қўйилган хатолар оқибатларига дуч келишингиз мумкин, аммо бундан чўчиманг, ҳаммаси кўнгилдагидек ҳал бўлади.

**ЎҚОТАР.** Бу ҳафтада омад қуши қўлингизга қўниши мумкин. Кутилмаган муваффақиятдан чўчимаслик ва хурсандчиликдан шошиб қолмаслик жуда муҳим. Оилавий муаммоларни ҳал қилишга киришинг. Ҳозирча хизмат сафарларига бориш мақсадга мувофиқ эмас. Ортиқча ишлардан узоқроқда юринг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Ҳафта сизнинг ижтимоий ҳолатингизни ўзгартиради, бу ўзгаришлар яхши томонга бўлиши учун бироз интилувчанлик мақсадга мувофиқ бўлади. Сермулоҳаза бўлинг, камроқ гапиринг ва сирларни сақлашга тайёр бўлинг. Сизда ўтмиш муаммоларини ҳал қилиб олиш имкони туғилади.

**ҚОВҒА.** Ижодий режалар ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун қулай ҳафта келмоқда. Яхшиси, қатъий ҳисоб-китоблар билан шуғулланманг — баъзи муҳим ишларни кўздан кечиришингиз мумкин. Моддий аҳволингизни мустаҳкамловчи муваффақиятли хизмат сафари бўлиши мумкин. Имкон бўлса, дам олиш куни табиат қўйнига чиқишга ҳаракат қилинг.

**БАЛИҚ.** Агар жуда хоҳласангиз, кўзланган мақсадингизга етишишингиз мумкин. Атрофдагилар эътиборига тушасиз, шунинг учун уларнинг умидини пучга чиқармасликка ҳаракат қилинг. Барқарор бўлиш истаги кучаяди ва кўпгина ҳаракатларингиз айнан шунга эришишга йўналтирилади. Оилавий масалаларга ҳам эътибор қаратинг.

## Туризм ва халқаро лойиҳалар

**Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЯХҲА) томонидан республикамизнинг кўҳна шаҳарларидан бири Хивага журналистлар учун саёҳат уюштирилди. Ушбу тадбирда журналистлар Хивада агентлик томонидан амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар билан яқиндан танишишди.**

Буюк ипак йўлида жойлашган Хива дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Асрлар силсиласига бардош бериб келаётган бу ердаги тарихий ёдгорликларга дунё аҳлининг қизиқиши катта. Бугунги кунда бу ерда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЯХҲА) томонидан кўпгина лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шулардан энг йириги бу туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда соҳа мутахассисларининг малакасини оширишга қаратилган.

Маълумотларга қараганда, бу йилги мавсумда Хивага қирқ мингга яқин сайёҳлар ташриф буюрган. Сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш учун эса, инфратузилмани ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш лозим. Айнан бу борада шаҳарда малакали мутахассисларга талаб катта. Японияннинг ЯХҲА агентлиги бундан уч йил аввал мамлакатимиз миқёсида махсус лойиҳани татбиқ қилганди. Унга кўра, Ўзбекистондан 30 нафар соҳа ходими кунчиқар мамлакатда тажрибасини оширган. Уларнинг орасида хивалик Одилбек Раҳимов ҳам бор эди. Туризмни ривожлантириш ва сайёҳлар оқимини кўпайтиришда рекламанинг ўрни беқиёсдир.

Одилбек Раҳимов раҳбарлик қилаётган бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази Агентликдан олган грант маблағлари ҳисобига сайёҳлар учун махсус рисола ва қўлланмаларни тайёрлади.

Журналистлар учун ўтказилган матбуот анжуманида тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш, Хива—Хазорасп, Элликқалъа—Нукус—Хива йўналишини тиклаш борасидаги ишлар хусусида маълумотлар берилди. Унга кўра бугунги кунда Хоразмнинг олтин ҳалқаси лойиҳаси тайёрланяпти.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

● СУРОВНОМА

## Аскар устози қандай бўлмоғи керак?

Президентимиз — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Қаршидаги сержантлар тайёрлаш мактабига қилган ташрифи чоғида сержант аскарларнинг ҳақиқий устози бўлиши керак, деган фикрни илгари сурганди. Хўш, ҳақиқий устоз бўлиш учун нималарга эътибор қаратмоқ лозим? Буни сержантларнинг, аниқроғи, бўлғуси сержантларнинг ўзларидан сўраб кўя қолайлик. Яъни, шу мақсадда Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабини битириш арафасида турган курсантлари ўртасида сўровнома ўтказдик.

Сўровнома иштирокчиларининг 50 фоизи алоқачи, 30 фоизи гуруҳ командирининг ўринбосари, 20 фоизи ҳайдовчи вазифаси бўйича таҳсил олаётганлардан иборат бўлди.

«Сержант деганда кимни тушунасиз?». Дастлабки савол ана шундай эди. Иштирокчиларнинг 55 фоизи юртини севадиган, уни ишончли ҳимоя қила оладиган, маънавий, жисмоний шаклланган пособнни тушунишар экан. Аскарларнинг устози, йўлбошчиси, етакчиси деган жавоб 20 фоизни ташкил этди. 20 фоизи эса ўз касбининг устаси, профессионал ҳарбийни тушунишаркан. Қолган 5 фоиз жавобларда эса илғор, тартиб-интизомли кичик командир, деган таъриф бор.

Иккинчи савол «Сержантлар профессионал бўлиши учун нима қилмоғи керак?» деб номланади. 50 фоизга яқин иштирокчи «ҳарбий техникани, қурол-аслаҳани мукаммал билиши. Умумҳарбий низомларни ўзлаштирган бўлиши, жисмонан, маънан баркамол бўлиши лозим», деб ҳисоблашган. 25 фоиз жавоблардан эса ўз эгаллаган соҳасининг етук билимдонлари қабилидаги маънони топиш мумкин. 15 фоиз иштирокчи сержант профессионал бўлиши учун хорижий тилни, компьютерни, замонавий қурол-аслаҳаларни яхши билиши керак, деб ҳисоблайди. Ниҳоят, қолган 10 фоиз жавоблардан «иродали, қатъиятли, ўз вақтида қарор қабул қила оладиган», деган изоҳларни топдик.

Навбатдаги савол сержант етакчилиги тушунчаси билан боғлиқ. 40 фоиз иштирокчи жамоасини ортидан эргаштира оладиган даражада билимга, маънавий-руҳий фазилатларга эга бўлишни тушунишаркан. «Аскарларга чуқур билим бера олиш, уларнинг қалбига ҳар томонлама йўл топиш», дея 25 фоиз иштирокчи бунга изоҳ беришган. 20 фоиз жавобларга кўра эса аскарларга ўрнак бўлганда, буйруқларини сўзсиз бажартира оладиган даражада таълим, тарбия берилганда етакчилик шаклланиши баён этилган. Иштирокчиларнинг 15 фоизи бу саволга умумий тарзда жавоб беришган.

«Танлаган мутахассислигингизни алмаштириш ниятингиз йўқми?». Тўртинчи савол худди шундай янгради. «Танлаган соҳамдан афсусланмайман, соҳамга муҳаббат қўйиб, хизмат қиламан. У билан фахрланаман». Сўровнома қатнашчиларининг 70 фоизи шу тарзда жавоб беришган. «Алмаштириш ниятим йўқ. Эгаллаган соҳам мен учун шараф» қабилидаги жавоб 20 фоиздан иборат бўлди. Иштирокчиларнинг 10фоизи «Ёшликдан қизиққан соҳамни қандай алмаштираман?» тарзидаги жавобни беришган. Яъни юз фоиз жавоб ижобий.

«Қўл остингиздаги аскар интизомга риоя қилмади. Уни қандай жазолайсиз?». Жавобларга эътибор қаратинг. «Ички дунёсини ўрганаман, тарбиялайман» — 15 фоиз. «Яккама-якка суҳбат қуриб, хатоларини тушунтираман» — 15 фоиз. «Ҳуқуқ, мажбуриятларини билса, уни бузмайди. Шуларни ўргатаман» — 15 фоиз. «Сабабини ўрганиб, кейин жазолайман» — 10 фоиз. Демак, иштирокчиларнинг 55 фоизи бундай вазиятда қўл остидаги посбонни жазолашга эмас, уни қайта тарбиялашга эътибор қаратар экан. «Қондабузарлиги даражасига қараб жазо тайинлайман» — 10 фоиз. «Взвод командири ёки унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарига топшираман» — 15 фоиз. «Шахсий таркиб олдида жазолайман» — 10 фоиз. Кўриб турганингиздек, иштирокчиларнинг 35 фоизи масала ечимининг анъанавий йўлини излашаркан. Ахир, қондабузарни жазолашга доим улгурамиз. Кичик командир бундай ҳолатларнинг олдини олиш, тарбиявий ишларни шакллантириш йўлидан бормоғи лозим.

Ниҳоят, сўнгги савол орқали «сержант аскарларнинг ҳақиқий устози бўлиши учун нималар қилмоғи лозим», деган масалага ойдинлик киритдик. «Аскарларга чуқур билим, тарбия бера олган сержант ҳақиқий устози бўла олиши мумкин». Бундай тарздаги жавоблар 60 фоизни қамраб олди. 20 фоиз иштирокчи аскарларнинг ишончини оқлай олиш орқали бундай номга сазовор бўлишга ўринишаркан. «Аскарларга яқин бўлиш, ўз укасидек кўриш лозим», деган жавоб 15 фоизни ташкил этди. Қолган 5 фоиз иштирокчи умумий тарздаги жавоблар билан чегараланишган.

Жавобларни умумлаштириб, шундай хулосага келдим: кичик командирлар бугуннинг сержанти, деган тушунчани яхши англашган. Яъни, армиямиз суянчи ва таянчи бўлиш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлигини билишади. Бу эса ислоҳотлар йўлидан оғишмаётганимиздан далолат.

**Майор Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● ПОДГОТОВКА К ЗИМЕ

## БОЛЬШИЕ ДЕЛА НЕБОЛЬШОГО КОЛЛЕКТИВА

Практика показывает: создание профессиональной армии — дело не одного дня. И глубоко заблуждается тот, кто считает, что достаточно заменить солдат срочной службы на военнослужащих по контракту, и мы получим Вооруженные Силы, соответствующие желаемому статусу. Это процесс гораздо сложнее, более того, он довольно многогранный, и в нем все настолько взаимосвязано, что разрыв даже малейшего звена просто недопустим. Нам хорошо известны и требования к современным армейским частям и подразделениям: они должны быть мобильными, высокоподготовленными в профессиональном отношении, хорошо оснащены современными техникой и вооружением. Не последнее место в этом, далеко не полном, перечне отведено материальному обеспечению военнослужащих, созданию для них нормальных бытовых условий. За последние годы в этом направлении в Вооруженных Силах произошли кардинальные изменения к лучшему. За короткое время введены в строй военные городки, отвечающие необходимым стандартам и радующие глаз тех, кто в них проживает. На смену унылым, морально устаревшим казармам пришли целые гостиничные комплексы, где нашлось место комфортной мебели и современной бытовой технике. В военных округах один за другим сдаются в эксплуатацию спортзалы, позволяющие воинам-узбекистанцам совершенствовать свое физическое мастерство и в ненастную погоду. И большой вклад в это вносят работники квартирно-эксплуатационных частей. Особенно сейчас, когда не за горами зимние холода, у них хлопот невпроворот. Чего греха таить, многое оборудование жилищно-коммунального хозяйства изрядно поизносилось и требует если не полной замены, то тщательного ремонта и должного обслуживания, чтобы в холодное время года вооруженные защитники ни в чем не знали нужды. Вот почему в эту пору рабочий день инженерно-технического состава, ремонтных и «аварийных» бригад КЭЧ иной раз длится дольше обычного. Но люди не ропщут, отчетливо осознавая, что боеготовность воинских коллективов, а значит, надежная защита страны — превыше всего.

У начальника КЭЧ подполковника Батыра Махмудова стало уже правилом приходить на службу раньше времени. В такие минуты затишья, как их называет офицер, есть возможность сконцентрироваться, еще раз тщательно обдумать и спланировать все пункты предстоящей круговерти. А в том, что ее не избежать, сомневаться не приходится. Но подчиненные Батыра Азимовича и подрядчики давно уже «раскусили» эту маленькую хитрость руководителя и стремятся именно в этот момент решить назревшие вопросы.

Стрелки часов еще не подобрались к отметке восемь утра, а телефоны в кабинете начальника КЭЧ уже накалены до предела. Я уже начинал понимать, что обстоятельного разговора не получится и хотел было уйти, дабы дождаться более подходящего момента, но подполковник Махмудов словно прочитал мои мысли: «Поговорим по дороге» и, уже обращаясь к главному инженеру, добавил: «Выезжаю на объекты». До ближайшего, где велось строительство спортивного зала, было рукой подать, а потому удалось обменяться лишь парой незначительных фраз.

— На сегодняшний день — это один из самых важных участков, — сказал Батыр Азимович. Один за другим к нему стали подходить бригадиры, строители, и «карусель» завертелась. Обшивка потолка, облицовка кафелем, канализация, водопровод — эти вопросы нагромождались один на другой, но подполковник Махмудов все четко расставлял по полочкам, отчего становилось очевидным — человек полностью владел ситуацией. Впрочем, это неудивительно, ведь за плечами офицера, закончившего в свое время военное инженерно-строительное училище, не один год службы в данной области, а потому опыта ему не занимать.

Затем наш путь пролег на учебный центр, где готовились к приему молодого пополнения. Войдя в одно из помещений, мой собеседник, как говорится, немного оттаял. Отделочные работы близились к завершению, а это означало, что учебные классы вскоре могли принять первых посетителей. Качество проведенных работ впечатляло. А ведь совсем недавно здесь была казарма, состояние которой определялось специалистами, как аварийное. Однако такой вердикт не пугал подполковника Махмудова, проделав нужные расчеты, он пришел к выводу, что ситуация небезнадежная. Теперь у новобранцев есть учебный корпус, где они могут постигать азы армейской науки, в их распоряжении также просторные спальные помещения, столовая, медицинский пункт и многие другие жизненноважные объекты, которые благоустроены заботливой рукой работников КЭЧ. Именно о них офицер Махмудов рассказывал больше всего, не скупясь на лестные характеристики. Много добрых слов прозвучало в адрес главного инженера старшего лейтенанта Рашида Алимбекова, инженера-теплотехника Ольги Васюк, сварщиков Фахритдина Хусанова и Максима Островского, слесаря Мурода Рузматова, водителя Тулкуна Рузматова, представителя диспетчерской службы Евгении Дубининой и многих других, благодаря усилиям которых проделывается огромная работа. А сделано действительно немало, в чем большая заслуга и командования округа, оказывающего этой организации должную помощь и поддержку. На сегодняшний день завершено строительство новой котельной, произведены замена котлов и пуско-наладочные работы на трансформаторных подстанциях, проложено свыше трехсот метров водопровода, прошли обучение операторы... Этот перечень можно продолжать еще долго, но не в количестве суть. Куда важнее, что люди гордятся своей работой, выполняют ее на совесть и в полной мере осознают ее важность в деле укрепления обороноспособности страны.

**Подполковник**
**Ярослав КОРУКА.**

## ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



**ЭНИГА:** 7. Эстрада хонандаси. 8. Двигателнинг поршень ҳаракатланадиган қисми. 9. Лимон ёки бошқа меваларнинг шарбатидан тайёрланадиган ичимлик. 12. Транспорт воситаси билан ўйналадиган спорт. 14. Ракета-космик техникасининг илк конструктори, амалий космонавтика асосчиси, академик. 15. Замондошлари «Афлотуни замон» деб аташган фалакиёт ва риёзиёт олими, Мирзо Улуғбекнинг устози. 18. Ҳарбий унвон. 21. Шахмат ва шашка ўйинларида вақт танглиги. 22. Пойтахтимиз вилоятидаги металлурглар шаҳри. 24. Қуёш нури ваннаси қабул қилишга жиҳозланган майдонча. 26. Тропик Африканинг чучук сувларида яшовчи териси қалин ҳайвон. 27. Сурхондарё вилояти шаҳри.

**БУЙИГА:** 1. Радио тўлқинлари воситасида олисдаги самолёт билан алоқа боғлаш техникаси. 3. Сабзавот экини. 4. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 6. Бадиий ижод, сўз санъати. 10. П. И. Чайковский мусиқа ёзган опера. 11. Бирор моддани муайян миқдорини ўлчайдиган асбоб. 13. Сўз бойлигининг бирор тартибда нашр этилган тўплами, нашри. 14. Билим манбаи. 17. Рус математиги, илмий мактаб асосчиси. 18. Товар бекатларида ва қурилишларда ишлатиладиган кам қувватли локомотив. 19. Компрессор қурилмасида газни совитувчи ва мой томчисини ажратувчи асбоб. 20. Қозоғистон жанубини иштол этган Тяньшаннинг шимолий-ғарбий тармоғи.

**ЁЙЛАР БУЙИЧА:** 2. Ҳожатманд кишига қилинадиган саховат, олижаноблик. 5. Одатда шеърий шаклда бўлган қабр тошидаги ёзувнинг шарқона атамаси. 23. Инглизча «жаноб» маъносидаги сўз. 25. Юқорига чиқиш мосламаси.

**Фозилжон ОРИПОВ.**

**ГАЗЕТАНИНГ 130-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** 7. Руҳобод. 8. Эмбарго. 11. Капитал. 13. Тижорат. 14. Дания. 17. Керес. 21. Бинокор. 22. «Тирилиш». 25. Сметана. 26. Торобий.

**БУЙИГА:** 1. Суринам. 3. Шоколад. 4. Амфибия. 6. Агрегат. 12. Лазер. 13. Тибет. 15. Дилемма. 17. Колония. 18. Синолог. 20. Лигрони.

**ЁЙЛАР БУЙИЧА.** 2. Болтиқ. 5. Картер. 9. Лобзик. 10. Сигноқ. 16. Қопқон. 19. Минора. 23. Регата. 24. Сонтош.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700031, Тошкент шаҳри,
Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-17-98; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-08-72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; социология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46; буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Адади 16330. Буюртма № 0352.